

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ

«Ҳимояга рухсат этилсин»
Факультет декани в/б.
_____ Б.Б.Байметов
« ____ » _____ 2013 йил

«ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ» ЙЎНАЛИШИ
TS-403 ГУРУҲ ТАЛАБАСИ АБДУЛҚОСИМОВА ДИЛНОЗА
АЛИШЕРОВНАНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ АМАЛИЙ САНЪАТ
ДАРСЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ**

_____ талаба Д. Абдулқосимова
Илмий раҳбар: «Тасвирий санъат
ва уни ўқитиш методикаси»
кафедрасида доцент в.б., п.ф.н.
_____ К.М.Гулямов
Такризчи:

«Ҳимояга тавсия этилсин»
«Тасвирий санъат ва уни ўқитиш
методикаси» кафедраси мудири,
проф. _____ Б.Б.Байметов
« ____ » _____ 2013 йил

ТОШКЕНТ – 2013

РЕЖА

КИРИШ

I БОБ. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбек халқ амалий санъати тарихи ва унинг ривожланиш.

1.2. Ўзбек халқ амалий санъатини ўргатишда устоз-шогирд анъаналари ва унинг аҳамияти.

II БОБ. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

2.1. Касб-ҳунар коллежларида амалий санъат дарсларини ташкил этиш.

2.2. Касб-ҳунар коллежларининг амалий санъат дарсларида замонавий технологиялардан фойдаланиш.

III БОБ. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ АМАЛИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ.

3.1. Касб-ҳунар коллежларининг амалий санъат дарсларида замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш.

3.2. Тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларнинг таҳлили.

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг соғломлашуви жамият аъзоларининг ижтимоий тафаккурида ижобий ўзгаришларни содир этди. Бу хол эса маънавий қадриятларга эътиборни кучайтирди. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилингандан кейин ўрта-махсус, касб-хунар таълимини ислоҳ қилиш долзарб масала бўлиб қолди.

«Таълим тўғрисида»ги Давлат қонунида таълимнинг равнақи унинг инсонпарварлиги, таълим-тарбия тизимининг узлуксизлиги, изчиллиги, давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги, таълимда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг устиворлиги, давлат таълим стандартлари доирасида ҳамманинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратилиши билан белгиланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари таълимнинг ижтимоийлашуви-таълим оловчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантиришга қаратилганлиги муҳум аҳамиятга эгадир.

«Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ, - деб ёзади Президентимиз И.Каримов- аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий кадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашни ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз». Мазкур миллий тафаккурдаги ижобий устивор таъсирлар замонавий санъатимизнинг ижобий изланишлар доирасини кенгайтиради ва хусусан бадиий таълим соҳасининг ривожланишини янада жадаллаштиради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин халқ санъати ривожини янгича мазмун касб этди. Миллий меросимизни, анъанавий миллий кадриятларимизни асраб-авайлаш, хунармандларга ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий безак санъати ривожига Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг моҳияти каттадир. 1997 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган «Халқ амалий санъати ва хунармандчилигининг келгусидаги ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида» ги фармони жорий этилди.

Бу фармонга мувофиқ халқ санъатини ёшларга ўргатиш энг муҳим вазифалардан деб ҳисобланади. Чунончи, халқ амалий санъати энг оммавий, энг халқчил, энг ҳаётий ижод ифодасидир. У асрлар мобайнида шу тарзда халқ ижоди сифатида шакилланиб, тараққий этган. Шунини алоҳида таъкидлаш жойизки, халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини

шакиллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. Маълумки, ҳар бир авлод олдида инсоният яратган жамики билимларни ўргатиш ва ўзлаштириш вазифаси туради. Зеро, илм бобидаги изланиш инсонни маънавий, ахлоқий – эстетик камолот сари етаклайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 77 сонли қароридан сўнг республикамизнинг барча вилоятларида тасвирий, амалий санъат ва халқ ҳунармандчилигига ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари барпо этилди.

Бу ўз ўрнида ўзбек халқ амалий безак санъатига жиддий эътибор беришни, уларни ҳар томонлама ўрганиш, ривожлантириш, ёш авлодларга санъатнинг сир-асрорларини ўзлаштириш, уларнинг эстетик дидини ўстириш ҳамда бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларига ҳурмат, Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашни талаб этади.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Касб-ҳунар коллежларининг амалий санъат дарсларида замонавий технологиялардан фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти: Касб-ҳунар коллежларида амалий санъат машғулотларини ташкил этиш жараёни.

Битирув малакавий ишнинг предмети: Касб-ҳунар коллежларида амалий санъат машғулотлари мазмуни, шакли ва усуллари.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари:

- касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг амалий санъатга бўлган қизиқишларини аниқлаш;
- ўқувчиларда амалий санъатга оид билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;
- касб-ҳунар коллежларининг амалий санъат дарсларида замонавий технологиялардан фойдаланиш усуллариини ишлаб чиқиш;
- касб-ҳунар коллежларининг амалий санъат дарсларида замонавий технологиялардан фойдаланиш юзасидан тажриба-синов ишлари ўтказиш.

Битирув малакавий иш методлари: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар ва халқ таълими вазирликларининг қарорлари, кўрсатмалари, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ўзбек халқ амалий санъатини ривожлантириш бўйича кўрсатмалари, маданият ва санъатга оид ҳукуматнинг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, ўзбек халқ амалий санъатининг миллий анъаналари, буюк олим ва педагоглар, шарқ мутафаккирларининг бадиий таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари ташкил этди.

I БОБ. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИ ҲАҚИДАГИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбек халқ амалий санъати тарихи ва унинг ривожланиши.

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати маданий меросимизнинг асосий қисмини ташкил этади. Ўзбек диёрида вужудга келиб, гуллаб яшнаган амалий санъат турлари бемисил ва бетакрорлиги билан дунёга машхур. Бу тараққиёт босқичи ҳақида фикр юритар эканмиз, ўзбек амалий безак санъатининг келиб чиқиши инсониятнинг илк даври, яъни ибтидоий жамоа даврига бориб тақалишининг гувоҳи бўламиз.

Ўлкамиз заминидаги археологик қазилар натижасида топилган ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, инсоннинг жисмга бадиий ишлов бериш усулида буюм яратиш фаолияти тош асридаёқ бошланиб, асрлар оша ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Бизгача ибтидоий жамоа тузумида ашёвий далиллар - меҳнат ва ов қуроллари, уй-анжом ва безак буюмлари, одамлар яшаган манзил қолдиқлари етиб келган. Тупроқ остида қолиб кетган тарихий ёдгорликлар одам ва ҳайвонлар жасадининг қолдиқлари, қор ва ертўла деворларига чизилган сурат ва бўртма тасвирлар ибтидоий жамоа даври тарихини ўрганишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Палеолит даврида амалий-декоратив санъат намуналари ҳам кенг тарқала бошлади. Буюмларни нақш билан безашга, турли тақинчоқларга,

туморларга эҳтиёж пайдо бўлганлиги археологлар томонидан топилган ашёвий буюмларда намоён бўлмоқда. Одамларнинг ўтроқ ҳолга ўтишлари, табиат қонун-қоидаларини кузатиш симметрия, ритм, шакл туйғуларини ўсишига сабаб бўлди. Бир хил элементларнинг текис қайтарилиши ёки оралаб келиши асосида вужудга келадиган ўзига хос наққошлик санъатини майдонга келтирди. Наққошлик янги тош (неолит) асрида кенг ёйилди, декоратив-амалий санъатнинг тараққий этишга таъсир кўрсатди ва ёрдам берди. Кулолчилик ва бошқа буюмларни нақш билан безаш кенг тус олди. Параллел, спиралсимон ва тўлқинсимон чизиклар, айланалар шу даврдаги кўпгина нақшларнинг асосини ташкил этади. Геометрик нақшлар аста-секин схематик одам, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсидан олинган шакллар билан бойитилиб, мазмунан кенгайиб борди. Унинг элементлари коинот кучларининг рамзий белгиларини акс эттира борди. Масалан, разетка-қуёш рамзи, тўлқинсимон чизик- ҳаракат, сув рамзи ва ҳоказо.

Наққошлик санъати эндиликда декоратив функцияни бажарибгина қолмай, балки шу билан бирга, кишиларнинг ғоявий ва фалсафий тушунчаларни ҳам ифодалай бошлади. Бронза асрида Ўрта Осиёда кулолчилик янада ривожланди. Кулолчилик дастгоҳларининг юзага келиши эса, яратилган буюмларнинг янада нафис ва гўзал бўлишини таъминлади. Чустдан топилган қизил фonga қора бўёқлар билан расм ва нақшлар ишлаган сопол буюмлар диққатга сазовордир. Темир асрида ҳам декоартив-амалий

санъат етакчи ўринни эгаллайди. Безаш ишларида геометрик нақшлардан ташқари, сюжетли композициялардан фойдаланиш алоҳида ривожланган.

Ўрта Осиёнинг қадимги даври санъати ва маданиятини ўрганишда ер остидан, қабрлардан топилган турли декоратив амалий санъат намуналари, жанг, ов ва меҳнат қуроллари ҳам муҳим роль ўйнайди. Сопол буюмлар, бронза, олтин, кумушдан ишланган, кишилар эҳтиёжи учун ишлатиладиган буюмлар юзаси нақшлар билан безатилган, бўртма тасвир ва ҳайкаллар билан пардозланган. Айрим буюмлар юзасига эса ҳаётий воқеалар акси туширилган. Ана шу далилий материаллар ўтмиш санъати ва маданияти, кишиларнинг эстетик, бадиий қарашларини билишга хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳудудида археологик қазилмалардан Хоразм, Сўғд, Бактрия ва бошқа вилоятларда наққошлик санъатининг ривожланганлиги маълум. Сурхондарё вилоятидаги Фаёзтепа (I-II аср), Далварзинтепа (I-аср) будда ибодатхоналари қазилмаларидан топилган расм, нақш қолдиқлари бунинг яққол далилидир

Эрамиздан аввалги IV-VI асрларда Ўрта Осиёдаги бадиий ҳаёт ва маданиятни тушунишда Амударёнинг юқори оқими томонидан топилган "Амударё бойлиги" (Окс бойлиги) муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда Лондондаги Британия музейида сақланаётган бу ёдгорликлар ичида олтиндан ясалган ҳайкаллар, турли кўза, билагузук, узук, муҳр, тангалар, олтиндан ясалган арава ва қуроллар диққатга сазовордир. Буюк саркарда Искандар Зулқарнай (Александр Македонский) эрамиздан аввалги IV асрларда

Ахмонийлар давлатини тор-мор этиб, Ўрта Осиё ерларининг кўпгина қисмини ўзига қаратиб олди. Фақат Хоразм, Фарғона ва Сирдарё бўйидаги кўчманчи қабилаларгина ўз мустақиллигини сақлаб қолди

Амалий санъатга бу қадар чуқур фалсафий ёндошиш натижасида шартлилик, стилизация - рамзийликка асосланган бадий безак асарлари яратиш кучайган. Ушбу тарихий омил ўзбек миллий безак санъатининг гуркираб ривожланишига тurtки бўлган ва ҳозирда жаҳонга машҳур меъморчилик ёдгорликларимиз улардаги ганчкорлик, кошинкорлик, наққошлик, хаттотлик, тоштарошлик ва бошқа турдаги санъатларнинг ажойиб даражада уйғунлигидан ва мужассамлигидан далолатдир. Халқ амалий безак санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадий дидини шакллантиради, руҳиятини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ амалий санъати кишиларни бадий- ахлоқий, умуминсоний тарбиялаб, уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришда, ҳамда маданий даражасини оширишда энг зарур манбалардан бири ҳисобланади.

Яқин ўтмишда ўзбек амалий безак санъатининг энг ривожланган наққошлик, ганчкорлик, тош ва суяк ўймакорлиги, кандакорлик, пичоқчилик, бўйрачилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик, кигизчилик, саватчилик каби турларининг ўзига хос бажариш технологиялари, ҳақиқий миллий номлари, уларга хос атамалар, бу санъатларга хос мактаблар, услублар ҳамда шу соҳаларда ном қозонган усталарнинг хизматлари бутун жаҳонга донғи кетган.

Ўрта Осиё наққошлик санъати қадимдан дунёга машҳур. Ўтмишда ота-боболаримиз қурган мухташам бинолар ҳозирги кунгача мафтункор жилвасини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган нақшлар ҳозиргача бизни ҳайратга солиб келмоқда. Нақш арабча тасвир, гул деган маънони билдириб, у қуш, ҳайвонот, ўсимлик дунёси, геометрик ва бошқа турли шаклларнинг маълум тартибда такрорланишидан ҳосил қилинган безакдир.

Ислом талабларига буйсуниш оқибатида жониворлар, паррандалар ва одамларни тасвирлаш йўқолиб бориб наққошлик ривож топди. Араб ёзуви ўзлаштирилди. Натижада нақшлар билан унвонли ёзув (эпиграфика) услуби пайдо бўлди. Араб ёзуви нақшлар билан бирга чизилди. Араб ёзуви ҳам безак, ҳам дуо-афсунлар вазифасини бажарди.

Наққошлик халқ-амалий безак санъатнинг бир тури сифатида қадимдан ўзбек маданиятининг муҳим бўлаги ҳисобланади. Кўп асрлар мобайнида унинг бадиий анъаналари вужудга келди ва ривожланди. Нақшларда санъатнинг бошқа ҳамма турларидан фарқли равишда авлодларнинг чамбарчас боғлиқлигини, миллий анъаналарнинг давомийлигини кўриш мумкин. Наққошлик анъаналари санъатнинг ана шу турини ўрганиш методлари сифатида ҳам бободан отага, отадан ўғилга ўтиб келган. Ана шу давомийлик туфайли наққошлик санъати ҳозиргача сақланиб келмоқда. Нақшнинг энг яхши намуналари бой ижодий фантазия орқали бирлаштирилган шаклларнинг мақсадга мувофиқлиги ва гўзаллиги билан фарқланади. Бунда халқ усталарининг атроф муҳитга қарашларидаги тафовут

акс этади. Нақшдаги чизгилар ўйини мусиқадаги оҳанг сингари, қўшиқ ва эртақ каби «халқ ҳаётий тажрибасининг катта умумлашмасидан» таркиб топгандир.

Бадиий наққошлик рангларнинг уйғунлигида ва ўзига хос композицияларда гўзаллик яратиш санъатидир. Наққош уста ўз ишида рангларнинг табиий жилосидан ва уйғунлигидан, бежирим шаклдан, материал фактурасидан моҳирлик билан фойдаланиб ёрқин ифодаликка эришади.

Ўзбекистоннинг анъанавий меъморчилигида наққошлик асосан шифтларни, жимжимадор арақиларни, сарой устунларини, масжидлар, мактаблар, бойларнинг уйлари, ёғочдан ясалган буюмларни безашда қўлланган. Нозик ўсимликсимон-геометрик нақшдаги ўзаро сингиб кетган новдалар, шохлар ва ҳашаматли тасвирланган гулларнинг ритмик ҳаракати, ўзбек усталарининг ишларидаги ислими ва гирих нақшларининг классик мотивлари интерьер ёки экстерьернинг қисмларига мосланган. Нақш кўпроқ интерьерларни ва ёпиқ айвон, пешайвонларни безашга хизмат қилган.

Ҳозирги пайтда нақшдан меъморчиликда, уй жиҳозлари, совғалар, майда ёғоч ўйинчоқлар, мусиқа асбоблари ва турмушда керакли буюмларни безашда фойдаланилади. Наққошлик санъати ҳозирги кунда кенг тус олиб, ривожланиб келмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали кишилар ана шу санъат намуналари ва уларни яратган халқ усталари билан яқиндан танишмоқдалар. Бу санъаткорлар орасида О.Қосимжонов, Ё.Рауфов,

А.Болтаев, С.Норкүзиев, А.Азимов, А.Исаев, Б.Абдуллаев, Т.Тўхтахўжаев, Ж.Хакимов, З.Боситхонов, М.Тўраев, Т.Ахмедов, К.Каримов, А.Илҳомов ва бошқалар бор.

Õàĕķ òñòàĕàðĕìĕçíĕíã, óĕàðãáí òàúĕĕì îĕãáí øíãĕðãĕàðíĕíã ĕøĕàðĕíĕ Òíøĕâíòãããĕ àìĕĕĕ ñàíúàò íóçãĕĕãã, êÿðãàçìà çãĕĕàðĕãã, áããĕĕĕ ñãĕíĕãðãã, øíĕíãããĕ, òóðàð-æíĕ ãã æàííàò áĕíĕãðĕãã, ìãñãĕáí, Òíøĕâíò Äããĕàò òĕðĕĕ, Àĕĕøãð Íããĕĕ íîĕãããĕ îíãðã ãã áãĕãò òããòðĕ, Ìĕĕĕĕ áĕãããĕĕ ãðàìà òããòðĕ, Òãíóðĕĕĕãð òàðĕðĕ íóçãĕĕ, Îĕĕ Îãĕĕñ ãã Øàçãð Xíĕĕìĕÿòĕ áĕíĕãðĕ, ìãððí ñòàíöĕÿĕãðĕ, ìãxííîíãĕãð ãã áíøķ ìãííóðĕĕ-ìãĕøĕĕ ĕíøñðĕãðã êÿðĕø ííĕĕí. Xíçĕðãĕ ããķòãã ìãĕòããĕãðãã ãã ìãĕòããããí òãøķãðĕ íóãññãñãĕãðãã òÿããðãĕĕãð òãðííĕĕĕ ĕĕíæĕ áíðĕ÷ã ĕãíããĕòĕðĕø ããçĕòãñĕ ķĕĕĕĕíķãã. Õàĕķ íãķķíøĕĕĕ ñàíúàòĕĕĕ ÿðããĕø ÿķóã÷ĕĕãðãã áããĕĕĕ-ÿñòãòĕĕ ãĕãĕĕ, ìãxíãòñãããðĕĕĕĕĕ ðĕãíæĕâíòĕðĕøãã ãã ķãòíð ôĕãããĕĕ êÿíĕĕìà ãã ìãĕãĕãĕãðĕĕ xíñĕĕ ķĕĕĕøãã ðĕçìãð ķĕĕããĕ. Óĕãðíĕíã ĕãíãĕĕ ķíãĕĕĕÿòĕãðĕĕĕ áĕĕķĕãø ãã ÿñòĕðĕøãã ,ðããí áãðããĕ.

1.2. Ўзбек халқ амалий санъатини ўргатишда устоз-шогирд анъаналари ва унинг аҳамияти.

Ўзбекистон халқларининг тарихи, қадриятлари, илм-фан маданияти дурдоналарини ҳар томонлама илмий ғрганиш ва таҳлил этиш ғоят муҳимдир. "Бугун бизнинг олдимизга шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, - деган эди Президентимиз И.А.Каримов, - биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига қайтиб, ўтмишдаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак". Шу мақсадда республикаимиз ҳукуматининг қатор ҳужжатлари Ватанимизнинг ҳар томонлама жаҳон андозалари асосида ривожланишга қаратилмоқда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданиятимиз, қадриятларимиз, миллий санъатимиз намуналаридан, ота-боболаримиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Аждодларимиз тажрибалари ёритилган адабиётларни ҳам етарли деб бўлмайди. Бундан ташқари аждодларимиз бой тажрибаларини ҳозирда ҳунар ўргатилаётган жойларда чунончи: олий ўқув юртлари, касб-ҳунар таълим муассасаларида, шахсий уста-шогирд асосида ўргатилаётган устахоналарда, қўшимча таълим муассасаларида уста ва шогирдни шарқона одоби тўлиқ ўргатилмаслиги ўқувчи-ёшларимизни ахлоқ-одобига ва билим даражасига, умуман улар маънавиятининг шаклланишига салбий таъсир кўсататаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Шунинг учун аجدодларимиз қолдирган маънавий меросидан тўғри ва унумли фойдаланиш лозим. Шунда аждодларимиз маънавий меросига бўлган ҳурмат-эътибор кучаяди; ўз ота-онасига, устозига, ўртоқларига, хуллас, инсонларга бўлган ҳурмати ошади; уларнинг шу хунарни қиёмига етказиб ўрганишларида асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек халқ амалий санъати қадимийлиги, маданиятининг бой ҳамда серқирралиги билан бутун дунёга машҳурдир. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, Фарғона ва бошқа шаҳарлардаги ҳар бир тарихий обида, ҳар бир халқ амалий безак санъати намунаси аждодларимиз томонидан яратилган такрорланмас, бебаҳо санъат асарлари бўлиб, жаҳон маданияти дундоналари қаторидан ўрин олган.

Асрлар давомида орттирилган маданий ва маънавий бойлигимиз, хусусан, ўзбек халқ амалий безак санъатининг энг кўп ривожланган турлари: наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, тоштарошлик, суяк ўймакорлиги, кандакорлик, пичоқчилик, заргарлик, каштачилик, усталарнинг ҳақиқий асл номлари, ўзига хос мактаблари, яратган услублари собиқ Шўро тузуми даврида аста-секин йўқолиб кетиш ҳавфи остида қолган эди.

Бугунги кунда мустақил республикамизда халқимизнинг асрлар бўйи яратган ижодий меҳнати натижасида яратган амалий безак санъатини кўз қорачиғидай сақлаш, кадрлаш, улардан амалий фойдаланиш, улар орқали ёшлар эстетик дидини ўстириш ҳамда юксак маданиятли кишилар қилиб тарбиялашга кенг имкониятлар очилди. Ал-Фаробий, Абу Райхон Беруний,

Абу Али Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Баҳовуддин Наъшбанд, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Бобур каби жаҳонга машҳур олим, шоир ва мусаввирлар гўзалликка интилишга чақирганлар. Бобомиз Амир Темур хунар ва илм эгалари, йирик мутахассис олимлар ёрдамига таяниб математика, геометрия, меъморчилик, астрономия, адабиёт, тилшунослик, тарих, мусиқа, тасвирий санъат ва хаттотлик каби соҳаларни ривожлантиришга катта аҳамият берди. Шаҳарларнинг ҳар томонлама чиройли ва улуғвор қилишга интилган.

IX-X асрларда Туронда наққошлик санъати жадал ривожланди. Меъморчиликда Қишт қадаб нақш солиш юксак даражада тараққий этди. Биноларнинг ички томонларига ганч, ёғоч ўймакорлигини қўллаш юксак ривож топди. Айниқса мақбараларнинг пештоқлари девор ва равоқлари ганч нақшлар билан жуда нафис безатилган.

Қадимда хунар ўрганиш муқаддас ҳисобланган. Ўар бир халқ келажак авлодларига ўзидан қолдирган такрорланмас хунарлари билан қадрланган. Ўзбекистон қадимда хунаrmандлар маркази бўлган десак хато қилмаган бўламиз. Масалан, Андижон вилоятида, Шаҳрихон, Самарқанд вилоятида Ургут, Фарғона вилоятида Қўқон, Марғилон, Наманган вилоятида Чустда халқ хунаrmандчилиги гуллаб яшнаган. Ўунаrmандлар ўша даврда маҳаллаларга бўлиниб яшаганлар, чунончи заргарлик маҳалласи, пичоқчилик маҳалласи, деб юритилган. Ўша даврларда яна мисгарлик, бўйрачилик, сандиқчилик, пичоқчилик, аравасозлик, ва кулолчилик маҳаллалари мавжуд

бўлган. Масалан, XIX аср охири XX аср бошларида Бухорода бўйрачи маҳалласи бўлиб у ерда умуман Бухородаги бўйра тўқийдиган усталар яшаган. Бўйрачи маҳалласида 120 та оила яшаган.

Ўар бир касб-корлик маҳалласида қўни-қўшинлар ўртасида рақобат бўлган. Чунки кимнинг маҳсулоти сифатида бўлса, халқ ўшанинг ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиб олган. Шунинг учун ҳар бир уста сифатли маҳсулот тайёрлашга интилан. Ўар бир устанинг ўз растаси бўлган. Бозорда одатда бозор беги бўлган. У барча расталарга келтирган молларини кузатиб уларга нарх белгилаб чиққандан кейин савдо-сотик бошланар эди. Сифатсиз маҳсулот ишлаган устанинг бозори касодга учраган.

Уста ўтмишда халқ усталарининг энг билимдон ҳисобланган. Чунки улар мадрасада таҳсил олиб адабиёт, тарих, мусиқа, математика, кимё фанларини яхши билганлар. Наққошлик технологияси авлоддан – авлодга ўтиб келган. Қадимдан наққошлар нақш яратиш сир асрорларини ёзиб қолдирмаганлар, фақат шогирдлари билганлар. Шогирдлари уста бўлганларидан сўнг улар ҳам ўз шогирдларига ўргатган. Шундай қилиб, наққошлик касбини анъана тариқасида ривожлантириб келганлар.

Уста ўзига шогирдликка ўз боласини ёки қариндошларидан олганлар. Шогирдликка 7-8 ёшдан олинган. Ўқиш ўрганиш 7-12 йиллар атрофида бўлган. Устози шогирдлари билан кундуз куни ишлаб кечқурун эса устоз раҳбарлигида савод чиқарилган. Шогирдлар геометрия ва кимёни ўрганганлар. Шогирднинг қўлидан мустақил иш келгандан кейин усталар унинг ишларининг муҳокама қилишиб, сўнгра «уста» номини беришган.

Устанинг ўғли ота касбини ёшликдан ўрганиб борган. Бу эса келажакда яхши ҳунарманд бўлишига замин яратган. Устада ўғли ёки фарзанди бўлмаса, бу касбни энг яқин қариндошларига болаларига ўргатган. Хуллас касб авлодга мерос қолиш анъана ҳолда ривожланиб келган. Устага шогирдликка беришда қуйидаги урф одат бўлган: Болани уста олдига олиб бориш ўзига яраша тантана бўлган. Болани ота – онаси ва қариндош уруғлари «бўй» деган бўғирсоқ ва холватар қилиб, устанинг ҳузурига келганлар ва “болани гўшти сизники, суяги бизники” қабилида гаплар билан унинг ихтиёрига топширганлар. Келтирилган пишириқлар ўша пайтдаёқ биргаликда танаввул этилган. Уста болага ҳунар ўргатишдан ташқари бутун ўқиш давомида ўзи озиқ-овқат билан таъминлаб турган. Касб ўргатиш текин олиб борилган.

Устоз шогирдга қаттиқ қўл ва талабчан бўлган. Чунки ҳар бир ҳунарли ўта нозик дид ва сабр-тоқат билангина ўрганиш мумкин бўлган. Усталар шогирдлар учун махсус одоб талабларини ишлаб чиққанлар. Масалан, улар шогирддан покизаликни, иш вақтида чалғимасликни эгри ва номаъқул ишларга яқин йўламасликни, устоз рухсатисиз бирор ишга қўл урмасликни, катъий туриб талаб қилганлар.

Уста шогирдга фақат ҳунар сирини ўргатишдан ташқари уй юмушларини бажаришга ҳам ўргатиб борган. Шогирд санъат сирларини пухта эгаллагандан сўнг оқ фотиҳа берилган. Маросимда устозига шогирд бош-оёқ сарпо, тугун инъом этган.

Баъзида устоз шогирди мустақил иш бошлашда қийналмаслиги учун шу касбда ишлатиладиган асбоб ва андозлар берар эди. Агар оқ фотиҳа олган баъзи шогирд мустақил ишлашни хоҳламаса устозникида қолиб ишлайверган. Бундай ҳолда устоз билан келишиб олиб иш ҳақи олган.

XVIII аср охири - XIX асрларда Қўқонда, Фарғона, Бухоро каби шаҳарларда етук халқ усталари етишиб чикди. Наққошлик, ганчкорлик, мисгарлик, чилангарлик ва бошқа санъат турлари ривожланди. Қадимда ҳунар муқаддас саналган. Ҳар бир халқ келажак авлодларига ўзидан қолдирган такрорланмас ҳунарлари билан қадрланган. Ўзбекистон қадимда ҳунармандлар маркази бўлган десак хато қилмаган бўламиз.

Наққошлар ўтмишда халқ усталарининг энг билимдони ҳисобланган. Чунки, улар мадрасада таҳсил олиб, адабиёт, тарих, мусиқа, математика, кимё фанларини яхши билганлар. Наққошлик технологияси авлоддан-авлодга ўтиб келган. Қадимда наққошлар нақш яратиш сир-асрорларини ёзиб қолдирмаганлар. Фақат шогирдларгина шу малакаларни ўзларида олиб қолганлар. Шогирдлар уста бўлганларидан сўнг, улар ҳам ўзларига қарашли шогирдларга ўз ўрганган ҳунарларини ўргатганлар.

Шундай қилиб, наққошлик касби анъана тариқасида ривожланиб келган. Наққошлар шогирдликка ўз боласини ёки қариндош-уруғларининг болаларидан олганлар. Наққошнинг ўғли ота касбини ёшлиқдан ўрганиб борган. Бу эса келажакда яхши ҳунарманд бўлишга замин яратган. Устадан берухсат шогирд бирор ишга қўл урса ёки унинг асбобларига тегса

жазоланган. 6 йилга ўтганида иш ҳақи ҳафта ичида 50 тийинга, 8-чи йилга етганда кундалик иш ҳақи 1 сўмга чиқди. Бу пайтда у иморат ишидаги оддий чўпгарликдан тортиб, Қишт териш, сувоқ, ганч ўймакорлигигача мустақил бажара оладиган бўлганди. Ниҳоят 8 йил деганда уста Расулхожидан оқ фотиҳа олиб "уста" номига эга бўлган.

Бухородаги ҳамма усталарга ганч сотадиган бойлардан бири Абдуқодир бир куни уста Ўаётни чақириб, янги уйни ганч билан безатмоқчилигини айтади. Уста Ҳаёт бу ишни 22 ёшли Ширин Муродовга топширади. Бу иш Шириннинг биринчи мустақил иши бўлди. Ширин иш режасини меҳмонхона безакларини оддий бежирим нисбатларини сақлаган ҳолда бир бутун кўринишини ҳисобга олади. У меҳмонхона ва айвонларни шарафалар билан безайди. Ундаги ўйма ганчлар жуда майин, бежирим чиққанлиги сабабли усталар орасида ҳурмат ва обрўси янада ошади. Уста Ҳаёт кунлардан бир куни Ширинни олдига чақириб "Мен сендан хурсандман, энди мустақил ишласанг бўлаверади" - дейди. Азалий одат бўйича унга 20-30 устани ўртасида "Уста" номи берилади. Ширин Муродов шундан сўнг халқ ўртасида уста деган шарафли номга муяссар бўлади. Ўзбек меъморлари яшаш учун ҳар жиҳатдан қулай, шинам, чиройли уйлар қурганлар. Ўзбекларнинг ҳовли-жойи тугал бир меъморий мажмуани ташкил этиб, ўзига хос Шарқона файзи бўлган. Бу уйларнинг бир-бирига узвий қилиб қурилиши ва безатилиши бир санъат даражасида бўлган.

Бухорода XIX аср охири, XX аср бошларида дуродгорлар бошлиғи уста Гулом, Ўратепада эса уста Карим Кажор боши (уста Абду Карим Абдухолиқов) бўлган. Ўратепалик халқ усталарни юқори Зарафшон кишлоқларида масжид, мадраса, турар жой биноларини безаш учун таклиф этганлар. Улар наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва бошқа ишларни бажарганлар.

Усталар уюшмаси баъзи турар жойларга усталарни ишлашга юборганлар. Уларга иш ҳақи тариқасида ишлаган жойларида кийимлар, кўй, сигир, эчки, ер, пул берилар эди. Усталар орасида ўзига хос мусобақа ҳам бўлган. Уларнинг ишлари кўргазма қилиниб, катта усталар орасида баҳоланган. Масалан, Ўртатепанинг Кўк гумбаз маҳалласида Мавлоно Эшон мақбарасини икки ўйма эшигини бажариш учун уста Карим Хоррот ва Абдуқодир Хорротларга топширилади. Улар биттадан эшикни ўйиб безаганлар ва уларни икки усталар орасида баҳоланди. Уста Абдуқодирнинг эшиги 70 олтин танга, уста Каримнинг эшиги юқори баҳоланишининг сабаби шуки, эшикни юқори ярим доира қисми умумий нақш композицияси билан боғланган эди. Абдуқодир устанинг эшиги тепаси учли бўлиб, бино қурилиши композициясига мос келмаган. Баъзи усталар ўз ишига берилган баҳога нисбатан норозилик билдирсалар, оқсоқол аралашиб, келишмовчиликни ҳал қилар эди.

II БОБ. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

2.1. Касб-хунар коллежларида амалий санъат дарсларини ташкил этиш.

Касб-хунар коллежларида наққошлик санъатидан ўтказиладиган машғулотлар давомида ўқувчилар теvarак-аторфдаги нарсa-ҳодисаларни идрок этадилар, улар ўзбек миллий халқ амалий безак санъати билан танишадилар. Ушбу санъат турининг ўзига ҳос хусусиятларини англаб этадилар. Энг муҳими ўқувчиларнинг бадиий фикр доираси кенгаяди, наққошлик санъатига нисбатан қизиқиш ва муҳаббати тарбияланади, уларнинг эстетик ва эмоционал сезгирликлари ошади, ахлоқий сифатлари ўсади.

Касб-хунар коллежларида амалий санъатдан кўзланган мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши бевосита ўқитувчи фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Амалий санъатни ўқитишда, ўқувчиларга пухта бадиий билим беришда аввало ўқитувчининг ўзи ҳар жиҳатдан, бадиий саводли бўлиши керак. Бунинг учун ўқитувчи ўз фанини, унинг бутун сир-асрорини мукамал эгаллаши, илмий-амалий муаммоларни яхши билиши, ўз устида муттасил изланиши, билим ва малакасини ошириши лозим.

Ўқитувчи амалий санъат ўқув материалига энг янги илмий ютуқлар ва кашфиётларни тадбиқ қилиши, дарс ва дарсдан ташқари ўтказиладиган машғулотларнинг илғор методик усуллари эгаллаши муҳим бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳақиқий ўқитувчи ўз касбига доир майл ва истеъдод, рағбат ва ҳавас бўлиши зарурки, бунда унинг фикр-ёди, завқ-

шавқи, таълим-тарбия устида бўлгани ҳолда ўқувчиларга бадиий тарбия беришни онгли ва аниқ режалаштирган, тушунтира билгандагина бадиий таълимда яхши самараларни кутиш мумкин.

Маълумки, ўқитувчининг илмий-назарий билими ва амалий кўникмаларини янада такомиллаштириш, амалий санъатдан мустақил таълимни яхши ташкил этишга боғлиқдир. Мустақил таълим касб-хунар коллежларида бадиий таълим-тарбия ишларини яхшилаш, ўқитувчининг билим доирасини кенгайтириш, маънавий ҳаётини бойитиш, методик маҳоратини оширишга ёрдам беради. Амалий санъатдан мустақил ўқишнинг яна бир жиҳати шундан иборатки, ҳар бир ўқитувчининг чуқур билим ва аниқ мақсадга эга бўлиши, олган билимларини эса жамоат ишлари ҳамда ўз амалий фаолиятида қўллай олишга имкон яратилади. Бунинг учун ўқитувчида мустақил билим олишга доир хоҳиш ва тушунчанинг бўлиши муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи мустақил ўқиши учун индивидуал режа тузиб олиши ва амалий санъатга оид доимий зарур бўлган тўлдирувчи билимларни туғри тасаввур этиши, ўқув материалларни мақсадга мувофиқ танлаши ҳамда уларни ўзлаштиришини, изчиллигини назарда тутиши лозим. Буларнинг барчаси ўқитувчининг ҳаёт билан ҳамнафас бўлишини, педагогика, психология ва методикага доир билимларининг етарлилигини таъминлайди.

Ўқитувчининг амалий санъатдан мустақил таълимда қуйидаги мавзуларни кенгроқ ўрганишни режалаштириш мақсадга мувофиқдир:

- амалий санъатдан дарс ва дарсдан ташқари ишлар;
- мустақиллик йилларида ўзбек халқ амалий санъати;

- ўзбекистоннинг ҳозирги тасвирий ва амалий санъати;
- ўзбек халқ амалий санъатини ёшларга ўргатишда янги методларидан унумли фойдаланиш;
- ўқувчиларнинг мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг амалий санъат бўйича саводхонлигини оширишнинг изчил йўналишлари;
- ўқувчиларнинг наққошликдан амалий машқлар билан шуғуллантиришнинг ўзига хос хусиятлари;
- график тасвирлаш ёки ўқув жиҳозлаш графикаси асослари;
- амалий санъатни ўқитишдаги изчиллик ва ўзаро боғланиш;
- амалий санъат машғулоти самарадорлигини ошириш, амалий санъат дарсларини ўқувчилар бадиий тарбиясидаги моҳиятини мукаммал бўлиши ҳамда шу соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, ўқувчиларнинг бадиий билим савиясини юксалишига ёрдам беради.

Касб-ҳунар коллежларида амалий санъатдан қатор тадбирларни белгилаш яъни, наққошлик хонасини кўргазмали қуруллар ва керакли жиҳозлар билан таъмин этиш, ота-оналар билан фарзандлар тарбияси хусусида суҳбат ўтказиш, амалий санъатдан “Ўқитувчиларларнинг мустақил ўқиш ва ишлаши”га оид тажрибаларни ўртоқлашиш, илғор иш тажрибаларини умумлаштириш, амалий санъатдан намунали методик хона ташкил этиш ва унга методик материаллар, техник воситалар, методик кутубхона билан таъминлаш, амалий санъатдан мустақил ўқиш ва

ишлашнинг ўқувчилар билим олишидаги таъсирини таҳлил этиш, тасвирий санъатдан долзарб масалалар устида ишлаш ва уларни муваффақиятли амалга ошириш катта аҳамиятга эгадир.

Касб-хунар коллежларида наққошлик ўқув предметида даражаёнининг самарадорлигини ошириш ва ўқувчиларга мақсадга мувофиқ билим бериш, ўқув моддий техника базасининг мустаҳкам бўлишига боғлиқдир. Бунинг учун коллежда наққошликдан қуйидаги жиҳозлар ва бадиий материалларнинг мавжуд бўлиши зарурдир:

Яхши сифатли расм дафтари, альбом ва бутун оқ "ватман", ўртача юмшоқликдаги оддий қора қалам, юмшоқ оқ ёки кўк ўчирғич, учбурчакли ёки тўғри чизғичлар, циркуль, 1 дан 10 гача номерли хар-хил мўйқалам (кист)лар, керакли бўёқ турлари: куруқ бўёқ, минерал бўёқ, мой бўёқлар, гуаш, темпера бўёқлари, бўёқ қориш учун идишчалар ёки банкачалар, аралаштириш учун таёқчалар мавжуд бўлиши лозим;

Буюмларни яшаш учун табиий материаллар, турли чиқинди ва оддий қурилиш материаллари, ташлаб юбориладиган материаллар керак бўлади.

Шунинг учун ўқувчиларнинг амалий фаолиятига доир буюмлар, халқ амалий санъат буюмлари, ўқув дастури, методик қўлланмалар, методик тавсиялар ва электрон дарсликлар, кўргазмали расмлар, жадваллар, натура предметлари, моделлар диапозитивларнинг мавзули тўпламлари, иллюстрациялар, расм репродукциялари, альбомлар, кинофильм, диафильм каби материалларини кўплаб ишлаб чиқариш ва нашр эттириш лозим. Техник воситалардан компьютер, диапроектор, фильмоскоп, магнитофон,

радио, телевизорлар ва мултимедия мажмуасининг етарли бўлишига эришиш ва улардан амалий санъат машғулотларида фойдаланиш, ўқувчилар бадиий тарбиясини ҳар жиҳатдан талаб даражасида бўлишига ёрдам беради ҳамда мазкур соҳа бўйича янгича фикрлаш, янгича ишлаш шароити юзага келади. Бунда мавжуд муаммолар ҳам бартараф этилади. Бадиий таълим тизимида кўнгилдагидек ривожланиш, юксалиш содир бўлади.

Ўқувчиларда бадиий таълимнинг юксалишида узлуксиз таълим тизими, оила, мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари муассасалар, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий мактабларда бадиий таълимни бир-бирига боғлиқ давом этиши билан белгиланади. Шунга кўра ўқувчилар бадиий таълим-тарбиянинг самарали бўлиши биринчи навбатда оилада болалар бадиий тарбиясини ва мактаб, оила ҳамкорлигида тўғри йўлга қўйиш билан боғлиқдир.

Касб-ҳунар коллежда амалий санъат машғулотларини жуда яхши йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, машғулот мазмуни ва моҳиятини ҳар жиҳатдан тушунарли бўлиши ва тўғри ифода этилиши ўқувчиларнинг ижодий-бадиий фаоллигини оширади. Шунингдек, ўқитувчининг ўқувчилар тасвирий фаолияти ўқув жараёнидаги раҳбарлик маъсулияти ва талабчанлиги, машғулотнинг самарали бўлишига олиб келади. Бунда ўқувчи нақш ишлаш умуман тасвирий фаолият билан шуғулланиш жараёнида ўз олдига қўйган вазифасини онгли ва диққат билан бажаришга, ишни муваффақиятли тугатишга ҳаракат қиладики, натижада чизилаётган ҳар қандай нақш композицияси жойлашуви, тузилиши, шакли, ўзаро тенглиги,

ранги, симметриклиги тўғри акс эттирилади. Ўқувчилар эса тўғри чизишни шу тариқа ўрганиб оладилар ҳамда уларнинг амалий саводхонлиги ошади, индивидуал ижодий қобилиятлари ривожланади.

Жаҳон амалий санъат хазинаси ва унда ўз ўрнини эгаллаган нафис мўъжаз расмлардаги ўзига хос гўзаллик ва инсонпарварлик ғоялари ўқувчиларни эзгуликка ундаш, уларнинг бадиий қарашларини бойитиш манбаидир. Чунки, жаҳон амалий санъатидаги мужассам умуминсоний билимларининг мавжудлиги ва мўъжаз нақшлар мазмунини тушунунарли-лигини, ўзига хос такрорланмас табиийликка асосланганлиги катта аҳамиятга эгадир. Айниқса, мўъжаз расмларда манзаралар тасвири, меъморчилик кўринишлари, кишиларнинг қиёфаси, уларнинг ранг-баранг кийим-кечаклари ва турли маросимлари, афсонавий воқеалари, ҳаётий воқеалар, ҳайвонларнинг тасвирлари, ўзига хос кўринишли ҳовлилар, улкан миноралар ҳамда ўсимликлар ранг жиҳатидан ва ҳар жиҳатдан бир-бирига уйғун, жонли тасвирланганки, унда чинакам халқчил ва ҳаётбахшлилик ғоялари яратилган асарларнинг асл мазмунини моҳирона очиб берган. Қадимийлик ва маҳаллийлик кўринишлари тасвирлада ўз аксини тўлиқ топган. Шунга кўра ўқувчиларни миниатюра санъати ривожига катта ҳисса қўшган мусаввирлардан Мирак Наққош, Камолиддин Бехзод, Султон Муҳаммад, Қоим Али, Маҳмуд Музаҳҳиб, Муҳаммад Мурод, Муҳаммад Али, Саъди Бухорий, Аҳмад Калла, Абдуҳолиқ Маҳмуд каби бошқа кўплаб ўткир қалам соҳибларининг ижодини кенгроқ ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаётий ва ҳаққоний лавҳаларни ўз асарларида таъсирчан тасвирлаган Камолиддин Беҳзоднинг ижоди ўқувчилар эстетик тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки унинг яратган асарларида қайноқ ҳаётнинг турли лавҳалари, доимий ҳаракатдаги мавжудотнинг кўриниши акс этувчи композициялар, узок ўтмишнинг асл моҳияти аниқ яратилган шахсларда ёрқин ва соф ранглар уйғунлиги билан жуда нозик, нафис, текис ва равон чизиқларда қунт ва юксак маҳорат билан очиб берилган. Ўзининг ёрқин бўёқлари ва нақшин безаклари билан такрорланмас образли бадиий тасвирларнинг ижобий таъсири ўқувчиларнинг маълум эстетик тасаввурига, янгича фикрлаш ва янгича дунёқараш, янгича ижод қилиш кўникмаларига эга бўлишида муҳим ҳисобланади.

Ўқитувчининг амалий санъат ўқув предмети ва унинг мазмуни, ҳаётдаги аҳамиятини ўқувчиларга аниқ мисоллар, ибрат, намуналар воситасида онгли тушунтира билиши, машғулотларни назарий ва амалий жиҳатдан жуда яхши ташкил этиши ҳамда мазкур предмет таълим-тарбия ишида ўқувчиларнинг ўзлаштиришига эришиши уларнинг барқарор қизиқишини вужудга келтиради.

Ўқувчиларни кўпроқ амалий санъат асарларининг мазмунини тушунишга ундаш, уларни гўзаллик яратиш руҳида тарбияланишига имкон беради. Ўқувчилар санъат асарларини кузатар эканлар, унинг ғоят ҳаётий юксак бадиий савияда ишлаганлигидан завқланадилар. Уларда халқ усталари, мусаввирлар ва уларнинг ижодига нисбатан иштиёқ пайдо бўлади. Ўқувчиларни амалий санъат асарлари билан таништириш давомида уларнинг

асардаги композиция, ранг, преспектива ҳақидаги билимлари ошади, теваарак-атрофдаги нарсалар тўғрисида фазовий ва ғоявий тасаввури, фикрлаш қобилияти ривожланади. Айниқса, ўқувчиларни жонажон ўлкамиз табиати, кишилар меҳнати, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига меҳр-муҳаббатини тарбиялаш, уларнинг нутқ маданиятини ўстириш, ҳалоллик, тўғрилиқ, камтарлик, жасорат каби гўзал инсоний фазилатларини таркиб топишида тасвирий санъат асарлари муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларнинг кўпроқ миллий руҳда яратилган тасвирий санъат асарларини идрок этиши яхши натижаларни беради.

Ўзбек халқ усталари Маҳмуд Қосимов, уста Ширин Муродов, уста Тошпўлат Арслонкулов, уста Ақром Умаров, уста Абдурахим Ҳаётов, Юсуфали Мусаев, Ашир Ғофурхўжаев, Абдураззоқ Абдурахмонов, Абдувакил Исаев, Ёқубжон Рауфов, Олимжон Қосимжонов, Сулаймон Хўжаев, Насриддин Зиёқориев, Жалил Хакимов, Тоир Тўхтаҳўжаев, Зокир Боситхонов, Маҳмуд Тўраев, Анвар Илҳомов, Комил Каримов меҳнати ва ижоди ҳамда уларнинг ишларини давом эттирувчи шогирдлари фаолиятини ўрганиш, ўқувчиларнинг бадиий ижод билан шуғулланиши ва ҳунар эгаллашига кенг йўл очиб беради. Айниқса, ўқувчиларнинг расм ишлаши давомида халқ амалий безак буюмларидан (сўзана, бўғжом, жойнамоз, палак, чойшап, гулкўрпа, зардевор, эшик, дераза пардалари, жияклар ва хоказо) унумли фойдаланиш нарсалар тасвирининг миллийлигини ҳис этишга ёрдам беради. Улар ўзбек халқ амалий санъатини онгли идрок этадилар.

Амалий санъатдан ўқувчиларни кўпроқ фойдали фаолиятларга жалб этиш яъни, бадиий ўйинчоқлар яшаш, турли буюмларни безатиш, деворий рўзномалар, альбомлар, байрам кўринишлари учун турли декоратив амалий жиҳозлаш ишларига, шрифт ёзиш кабилар билан шуғуллантириш керак. Ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлган бундай ҳатти-ҳаракатлар ўқувчиларнинг билим ва тушунчаларини кенгайтириш ҳамда бадиий тасаввурини муваффақиятли ривожлантиришнинг зарур шартидирки, бу ўқувчиларни амалий санъатдан мустақил ишлай олишига ўргатади.

Ўқувчиларнинг мустақиллик ва ташаббускорлик каби хислатлари хусусан, ҳозирги мустақил Ўзбекистон тараққиёти даврида катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистоннинг келажаги-буюк давлат бўлишида ёшларнинг ана шу мустақиллиги, фаоллиги, ташаббускорлиги, муҳим ҳисобланади. Шу боисдан ўқувчиларнинг бадиий фаолиятидаги мустақиллигини ўстириш учун уларни доимий равишда амалий билим ва машқлар билан банд этиш, уларга уста-шогирдлик йўналишида ҳунар таълимни бериш лозим, бунда ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаётда маънавий-маданий, бадиий жиҳатдан юксалишига эришилади.

Ёшларни маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширишда ҳал қилувчи омилдир. Ёшларга инсонпарварлик ва ватанпарварлик вазифаларини қарор топтириш ҳамда маънавий тарбиясини амалга ошириш давр талабидир. Аجدодларимиз

асрлар давомида тўплаган маънавий хазина ёшларга таълим ва тарбия беришда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ҳозирда касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбиянинг энг муҳим масалаларидан бири дарслар самарадорлигини ошириш талабаларга чуқур билим, тарбия беришдан иборатдир. Бу ўринда ота-боболаримизнинг маънавий меросидан, миллий анъаналаридан фойдаланиш, уларни давом эттириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги босқичда кўргазмалилик, техник воситалар ва замонавий компьютер технологиясидан фойдаланишнинг самараси ошиб бормоқда. Маълумки кундалик ҳаётимизда турли-туман график тарзидаги ахборотлар, тасвирий санъат соҳасига доир турли зарур кўринишлар мавжудки, уларни тасвирлаш, керакли чизма, шакллар ҳосил қилиш ва уларни қайта ишлашга тўғри келади. Бу ишларни енгиллаштириш учун компьютерлардан фойдаланилади. Чунки, инсониятнинг бутун умри ахборотни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлиб, ундаги мавжуд мураккабликларни бартараф этиш зарурати туғилади. Бунда компьютерга уланган ташқи қурилма экранда оддий қоғоз варағида бажарилгани каби расм чизиш имконияти мавжуддир. Натижада махсус нурли перо ёки қўл бармоғи билан текис юзада бирор расм чизилади ва у шу вақтдаёқ экранда ҳосил бўлади. Компьютернинг муҳим хусусиятлари шундаки, улар катта миқдордаги ахборотларни қисқа вақтда тез ва қайта ишлай олади ҳамда сақлайди. Шу боисдан тасвирий санъат дарсларида мазкур техник

воситаларидан самарали фойдаланиш, ўқувчиларнинг шу фандан, янги, зарур билимларни эгаллаши ва уни чуқур ўзлаштиришини таъмиглайди.

Демак, амалий санъат ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш масаласида унинг назаий, илмий методик жиҳатларини такомиллаштириш билан бирга компьютер хизматини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, ўқувчиларга давр шароити ва ўзгаришлари уйғунлигида умуминсоний билимлар бериш ва олган билимларини амалда тадбиқ этишларига ёрдам беради.

Бундан ташқари амалий санъатдан ўқувчиларнинг қўл ҳунарлари кўргазмасини, бадий ҳаваскорлик олимпиадасини ташкил этиш, мунтазам «Санъат байрами»ни ўтказиш ҳамда уларнинг бадий фаолиятини ҳаёт ва меҳнат билан боғланишини мустаҳкамлаш, бу ишларга кенг жамоатчиликни жалб этиш лозим.

Ўқувчилар бадий тарбияси юзасидан оммавий маърузалар қилиш каби вазифаларни ҳам муваффақиятли амалга ошириш мазкур ўқув предмети ўқитилишини янади яхшилаш ва ўқувчиларнинг етарли бадий билимларига эга бўлишида катта аҳамият касб этади. Айниқса, ўқувчиларнинг эстетик маданиятини ривожлантиришда амалий санъатдан факультатив машғулотлар ишини яхши йўлга қўйиш, унинг мазмунини узлуксиз кенгайтириш, чуқурлаштириш зарур.

Ўқувчиларни бадий жиҳатдан ҳар томонлама камол топишда касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари учун амалий санъат соҳаси талабларига жавоб берадиган жуда қулай бадий имкониятларга эга бўлган

янги типдаги биноларни барпо этиш ва унда амалий санъатдан амалий машғулотлар олиб бориш учун махсус устахоналарнинг бўлиши шу соҳа самараси учун кўзланган мақсадга мувофиқ бўлади.

Касб-хунар коллежларда амалий санъат машғулотларини кўпинча табиат қўйнида, боғларда ўтказишнинг фойдаси кўпдир. Чунки, ўқувчилар дастлаб теvarак-атроф, нарсалар тўғрисида таасуротлар олади, уларни онгли идрок этадилар. Энг муҳими ўқувчилар кузатиш орқали табиатдан олинган турли нарсаларни тасвирини соддалаштириб тасвирлашда фаоллик кўрсатиш имкониятига эга бўладилар. Шундай қилиб уларда стилизация ҳақидаги тушунчалари янада ортиб боради.

Илм-фан, маданият, санъат, меъморчиликнинг раvнақ топишида Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек каби буюк сиймоларнинг таълим-тарбияга доир дунёвий фикрларига таянган ҳолда халқ педагогикасига асосланиб, бадиий таълимга янги мазмун бағишлаш йўлида тинмай изланишлар олиб бориш, чет элларнинг илғор педагогик тажриба-синов ишларини ўрганиш, шу соҳа тарақиётида ижобий ўзгаришларни содир этади.

Мусатақил Ўзбекистоннинг ёш авлодини истиқлолимизни ҳис этиши, ўзлигини англаши руҳида тарбияланиши, бадиий жиҳатдан баркамол, билимли ва касб-хунарли бўлиши учун ўқитишнинг замонавий тизимини яратиш, амалий санъат ўқув жараёнига янги педагогик йўл ва усуллар билан ноанъанавийликни татбиқ этиш, касб маҳорати ва бой иш тажрибага эга бўлиш, унинг мукамал юксалишининг асосий шартидир. Бу йўналишдаги

вазифаларни ҳал этиш, бадий таълимнинг стандартлашувининг самарали бўлишига, касб-ҳунар коллежларида турли фойдали ва ибратли ишларнинг амалга оширилишига боғлиқдир. Натижада ўқувчиларнинг амалий санъат машғулотлари давомида ўз фаоллиги ва кучи билан эришган ютуғи, эгаллаган билимини ҳаётда қўллай олишига эришиш, иқтидорли, ижодкор, нодир истеъдод эгаларини тарбиялаш мумкин бўлади. Амалий санъатни ўқитишнинг тараққиёти йўлидаги барча уринишлар, хатти-ҳаракатлар ва фидойиликлар унинг истикболини, жамият истикболига мувофиқлашуви учун хизмат қилади.

Маълумки дарс таълимнинг асосий шакли экан, у илмий тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, ўқувчининг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилади ва дарс олдига қатор дидактик талабларни қўяди. Жумладан:

- Ҳар бир дарс аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда пухта режалаштирилмоғи лозим. Бу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълимий ва тарбиявий мақсадини белигилайди;

- дарс босқичларини қандай бошлаш ва қандай тугатиш, кўргазмали материаллардан фойдаланишни олдиндан ҳал қилади;

- ҳар бир дарс аниқ ғоявий, мафкуравий изланишга эга бўлиши, ўқитувчи ундан тарбиявий мақсадда фойдаланмоғи лозим;

- касб-ҳунар коллежларининг ижтимоий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалиёт билан боғланиши, кўрсатмали воситалар билан жиҳозланиши керак;

- ҳар бир дарснинг ўзига мос замонавий усул ва воситалардан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши назарда тутилади;

- дарс жараёнида устоз-шогирд муносабатлари, ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Дарснинг мазмунида халқимизнинг бой маънавий меросидан, маънавий кадриятларидан унумли фойдаланган ҳолда мустақил юртимиздаги бўлаётган ўзгаришлардан ўқувчиларни бохабар қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув машғулотларининг дарс ва дарсдан ташқари яна қўшимча қатор таълим шакллари мавжуд бўлиб, улар амалий-тажриба машғулотлар, қўшимча дарслар, экскурсия, семинар, индивидуал ва гуруҳда ўқитиш, мустақил ишлаш, ўйин ва мусобақа машғулотларини илмий меҳнат билан боғлаш кабиларни ташкил этадики. Бу йўналиш узлуксиз таълимнинг ҳамма босқичларида таълимнинг ўзига хос ташкилий шакллари мавжуддир.

Касб-ҳунар коллежларида амалий санъатдан ўқувчиларга онгли равишда таълим бериш, уларнинг фаол бўлишини таъминлайди. Бу борада таълимнинг амалий машқ қилиш методи ўқувчининг фаол ва амалий ишлашига имкон беради. Ўқувчиларнинг мустақил нақш чиза билиши, турли дидактик ўйинлар билан шуғулланиши, тарқатма материаллар билан моҳирона ишлай билиши, суҳбатлар уюштириши, театрлаштирилган кўринишларни ташкил этиши каби турли усуллардан фойдаланиб, фаолият кўрсатиши уларнинг амалий санъат машғулотлари мазмунини сифатли ўзлаштиришга кенг йўл очиб беради ва энг муҳими амалий санъат фанлари ўқув машғулотларини қизиқарли ташкил этишга ёрдам беради.

2.2. Касб-хунар коллежларининг амалий санъат дарсларида замонавий технологиялардан фойдаланиш.

Бугунги кунда ёш авлоднинг касбий тайёргарлигини кучайтириш йўлида касб-хунар коллежларидаги наққошлик санъатининг ўқитилишини шаклан ва мазмунан таколмиллаштириш, замонавий технологиялардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ўқувчиларнинг бадий-эстетик дунёқараши ва ижодий салоҳиятини комил инсон сари йўналтириш, уларнинг мустақил фикр юритиш устиворлигини таъминлаш масаласини муваффақиятли ҳал этишда амалий санъатдан таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйиш энг муҳим вазифалардан биридир.

Касб-хунар коллежларида кундалик олиб бораётган машғулотлар янги педагогик технологиялар асосида амалга оширилиши лозим. Натижада касб-хунар коллежларида амалий санъат таълимининг янги мазмунини шакллантиришнинг илғор педагогик технологияси, замонавий ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув тарбия жараёнининг дидактик жиҳатларини таъминлаш ва мазкур соҳа ўқитилишининг илмий-амалий масалаларини тўғри ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, коллеж ўқувчиларининг амалий санъатдан муаммоли масалаларнинг моҳияти англаб етиши, маълум топшириқлар ечимини топиш йўлида уларнинг шахсий эҳтиёжи, қизиқиши, майли, қобиляти, истеъдоди, салоҳияти билан боғлиқ равишда олиб қараладики, бу ўз ўрнида мустақил фикр юритишнинг мустаҳкам негизини ташкил этади. Бу борада ижтимоий

фойдали фаолиятнинг йўлга қўйилиши, мустақил фикрлайдиган, маънавиятли, маърифатли инсонларни тарбиялиш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касб-хунар коллежларида амалий санъатдан дарс самарадорлигини ошириш учун реал муҳит яратилиши керак бўлади. Бошқача қилиб айтганда, коллежда кундалик олиб борилаётган машғулотларни доимий равишда янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш орқали амалий санъатдан кўзда тутилган аниқ мақсадга эришиш мумкин бўлади. Агар бу вазифа амалга оширилмас экан, таълим-тарбия соҳасида сифат ва самарадорликка эришиш, ўқув жараёнини такомиллаштириш масалалари ҳал этилмай қолаверади. Шунга кўра, ҳозирги кундаги энг долзарб масала амалий санъат ўқув тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишдир.

Касб-хунар коллежларида ўқувчининг билим, кўникма, малакаларини шакллантириш, уларнинг бадий-эстетик муносабати, ижодий фаолиятини ривожлантириш каби жиҳатларга алоҳида эътибор берилади. Ўқув жараёнининг тубдан ўзгартиришга қаратилган технологиялардан бири педагог муносабатларини инсонпарварлаштириш ва демократиялаштириш асосидаги педагогик технологиялардир. Мазкур технологиялар ўзида фалсафа, психология ва педагогиканинг инсонпарварлик ғояларини мужассамлаштиради. Педагогик технологиялар марказида ўз имкониятларини юксак даражада амалиётга қўллай оладиган, ижодий ва ижтимоий фаол, турли ҳаётий вазиятларни онгли англаб таҳлил эта оладиган шахсни шакллантириш ғояси туради. Бу ҳолат талабалар шахсини ҳурмат

қилиш, эъозлаш орқали, шахсни ривожлантириш ва ижод қилишига қулай муҳит яратади.

«Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қийматини англайдиган иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз».

Айни вақтда таълим-тарбия ишларини ташкил этишга янгича ёндашув талаби асосида ёшларни билимдон, яратувчан, юксак маданиятли, ижодкор ва мустақил мамлакат тақдири учун масъул шахслар этиб тарбиялаш масаласи муҳим ҳисобланади. Бу борада ўқувчиларнинг лаёқати, иқтидорини тарбиялаш уларнинг ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланишларини кучайтириш, машғулотларда янгича педагогик технологияларни қўллашга эришиш, такомиллаштирилган ўқув методик мажмуалардан фойдаланиш орқали талабалар онгида миллий ғурур, маънавий эстетик дунёқарашни юксалтириш каби жиҳатларга эътибор бериш лозим бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай чуқур билим фақат мустақил ўқиш йўли билан орттирилган ва мустақил фикрлаш йўли билангина ҳақиқий билимга айланади. Бунинг учун ўқув тарбия машғулотларида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш орқали ёшларнинг мустақил фикрлай олишини таъминлашган бўлган эътиборни кучайтириш муҳимдир. Чунончи, мустақил фикрлаш комилликнинг асосий белигисидир. У аввало, фаҳмлаш, англаш фикр юритишдан бошланади. Мустақил фикр юритиш жараёни, ўқувчида фикр,

мулоҳаза, ғоя, фараз, мақсад кабиларни вужвудга келтиради. Бу ўз ўрнида ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжи, қизиқиши, майли, қобиляти, истёждоди, салоҳияти билан боғлиқ равишда мустақил фикр юритилишининг мустаҳкам негизини ташкил этади. Агарда ўқувчи янгича фикрлаш асосларини яхши эгаллаб олсагина, у албатта бой тарихий, тарбиявий меросни, замонавий, маънавий, инсоний сифатларни онгли равишда ўзлаштиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқнинг, жамиятнинг ва давлатнинг куч-қудрати, фуқороларнинг маънавий-маърифий савияси, даражаси билан баҳоланади. “Маърифий-маънавиятга олиб келадиган йўл. Бугун қилаётган яхши ишларимиз келгуси авлод баркамоллиги учун хизмат қилиши шубҳасиз. Бугун қандай кўчат эксак, эртага шундай мева оламиз. Ёш авлодни эл-юртга, Ватанга садоқатли, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, юқори малакали, маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялашда таълим ўчоқларининг алоҳида ўрни бор!”

Ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини фаоллаштиришда дидактик ўйинли технологияларни қўлланилиши уларнинг фанга бўлган қизиқишини оширади. Ўқувчилар ҳам ижодий, ҳам мустақил фаолият билан шуғуллани имкониятига эга бўладилар.

Дидактик ўйинли технологиялар - ўқувчилар билим олиш фаолиятининг ўйин фаолияти билан уйғунлашган ҳолатидир. Таълим жараёнида дидактик ўйинли технологиялар, дидактик ўйинли дарс мисолида қўлланилади ва ўйин фаолияти билан уйғунлаштирилади. Мазкур фаолият орқали қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мумкин:

1. Ўйин орқали ўқувчиларни билиш фаолиятига бўлган қизиқиши ошади.

2. Ўқувчиларни ўз иқтидорини ва ўзлигини намоён этишига имкон яратади.

3. Ўқувчиларни билиш фаолиятидаги қийинчиликларни енгиш ва ҳар қандай мўлжални тўғри олиш кўникмасини ҳосил қилишга ёрдам беради.

4. Ўқувчиларнинг маданий кадриятларини ўрганишга эътибор ва ижобий муносабатини кучайтиради.

Ўқув жараёнини таълимнинг модул тизими асосида ташкил этилиши шуни кўрсатдики, унда ўқув адабиётлар Фан дасутрлари, техникаси воситалари, замонавий кўргазмали қуроллар орқали таълимнинг мазмунини узлуксиз фаол тарзда ўқувчига етказиш имконияти туғилади. Шунингдек, ҳар бир талабанинг индивидуал ишлаш имконияти кенгайди.

Модул тизими татбиқ этилганда ўқитувчига илмий иш билан шуғулланиш учун кўпроқ вақт қолади. Ўқувчи эса 2 марта кўпроқ билим олади, яна бир авзал томони шуки ўқитувчи ҳар сафар дарсдан аввал ўқувчиларга тарқатмали материаллар, дастур ва маъруза матнларини етказиб беради. Ўқувчилар эса дарс, савол-жавоб, мунозарага аввалдан тайёрланадилар, дарс эса жонли ва самарали ўтади.

Ўқувчилар билиш фаолиятида муаммоли таълим ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда муаммоли (ақлий ҳужум) дарс, мунозарали (илмий мунозара ва эркин фикрлаш) дарслари муаммоли таълим технологияларга мисол бўлади. Муаммоли таълимда ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият

вужудга келтирилади ва бу муаммо ўқувчиларнинг фаол мустақил фаолияти натижасида, соҳа бўйича уларга билим, кўникма малакаларни ижодий ўзлаштириш имконини яратиш назарда тутилади. Билиш фаолиятида муаммоли таълимнинг муваффақиятли бўлиши учун аввало ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, таълим жараёнини ўйин ва меҳнат фаолияти билан уйғунлаштириш, ўқитувчи томонидан муаммоли методлардан самарали фойдаланиш, муаммоли саволлар занжирини тузиш каби кўпгина ишларни амалга ошириш муҳимдир.

Муаммоли вазиятларнинг икки тури яъни: психологик муаммоли вазиятлар ва педагогик муаммоли вазиятлар йўналишда бўлиб, психологик муаммоли вазиятлар ўқувчилар билиш фаолиятининг ташкил этилишига тааллуқлидир. Педагог муаммоли вазиятлар эса ўқувчиларнинг фикр юритиш, билиш фаолиятини ташкил этади. Муаммоли дарсларни қўллаш учун ўқувчининг қуйидаги жиҳатлари зарур: аввало ўқув дастури бўйича қайси мавзуларни муаммоли дарс мисолида ўтиш мумкинлигини аниқлаш керак бўлади. Сўнгра, мавзу матнидаги масала бўйича муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган, саволлар, топшириқларни аниқлаш, дидактиканинг илмийлик, системалик, мантикий кетма-кетлик, изчиллик каби қоидаларга амал қилиш зарур бўлади. Кейинги йўналишда эса ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқаришни таъминлайдиган восита ва усулларни аниқлаш, улардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш йўллариини белгилаш муҳимдир. Демак, муаммоли дарслар ўзини дидактик мақсадига кўра ўқув муаммоларини ҳал этишда ўқувчиларнинг ўзлаштирган

билимларини ижодий қўллаган ҳолда янги билимларини ҳосил қилиш, ижодий ўзлаштириш ва амалга қўллай олиш малакаларини ҳосил қилиш ҳамда уларнинг изланувчанлиги, ақлий камолоти, заковатини ривожлантиришга қаратилганлиги билан ифодаланади.

Маълумки, ўқувчиларнинг мустақил кенг ва пухта билим олишларида сюжетли-ролли, ижодий, ишбиланрмонлар, конференция, ўйин машқлари каби дидактик ўйинлар ўзининг таълим-тарбия берувчи, билимларни мутаҳкамловчи, ўқув материалларни такрорловчи, билимларни назорат қилувчи ўйинлар сифатида ифода этилиши билан аҳамиятлидир. Ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш, мустақил билим эгаллаш кўникмаларини ривожлантиришда уларнинг ўзларида бор бўлган билим, кўникма, малакаларини янги вазиятда қўллаш орқали янги билимларни ўзлаштиришда дидактик ўйинларнинг ўрни алоҳида ажралиб туради. Дидактик ўйинлардан фойдаланганда уларнинг бир-биридан фарқланиши ва ўзига хос тавсияга эга эканлигига эътибор берилади. Масалан, сюжетли-ролли ўйинлар кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларини, табиат ва табиий ҳодисаларнинг объектлар ўртасидаги алоқаларини ўзига хос кўринишда ёритишга қаратилган. Бунда ўйин сюжети жамият ёки табиатдан олинади. Баъзан, жамият ва табиатдаги муаммолар уйғунлаштирилади. Хусусан, “Гўзал табиатни асранг”, “Инсон ва табиат” мавзусидаги сюжетли-ролли ўйинларни ташкил этиш мумкин.

Ижодий ўйинлар - ўқувчиларнинг ижодий изланиш, мантиқий фикр юритишини ривожлантириш ва қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжини

кондиришга қаратилган ўйинлардир. Бу ўйинлар таъсирида талаба ижодий изланиб, янгиликларни кашф этади ва уни ҳаётида қўллайди.

Ишбилармонлар ўйини – ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттирадиган ва ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини шакллантириш, миллий эстетик дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган ўйиндир. Бунда ўқувчиларни касб-хунарга йўллаш ва шу касбларни эгаллашлари учун улар қандай билимларга эга бўлишлиги мазкур ўйинлар таъсирида тушуниб олинади.

Конференция дарслари - ўқувчиларнинг мустақил билим олиш фаолиятини фаоллаштиради, илмий дунёқарашини кенгайтиради, илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар, қўшимча ва маҳаллий материаллар билан мустақил ишлай олиш кўникма, малакаларини орттиради ҳамда уларнинг мустақил ҳаётга онгли муносабатини тарбиялайди.

Ўйин машқлари - ўқувчиларни билим олишга бўлган қизиқишларини янада оширади, билиш фаолиятини фаоллаштиради. Демак, мазкур дидактик ўйинларнинг барчаси ўқувчиларнинг эгаллаётган соҳаси бўйича кенг билим олишларига имкон беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг мустақил ишлари: машғулот жараёнида мустақил ўқиш ва ўрганиш, янги материалларни тушуниш ва мустаҳкамлаш, турли ижтимоий фойдали фаолиятлар, топшириқ ва машқларни бажариш, фан бўйича ўтилаган материалларни такрорлаш, тест-синов топшириқларни бажариш, савол-жавоб, баҳс, мунозара юритиш, сайр-саёҳатлар уюштириш, шахсий таассуротларни хикоя

қилиш, мустақил ўқишнинг сахна ва кино кўринишини ташкил этиш, китоб билан мустақил ишлаш, соҳа бўйича амалий ишларни мустақил бажариш, реферат, маърузалар тайёрлаш, дастур йўналишида бадиий адабиётларни таҳлил этиш, топшириқ, карточкалар асосида мустақил ишлар фан бўйича такрорлаш ҳамда илмий-техник ва бадиий ижодкорлик, ихтирочилик ишларини амалга оширишда дидактик ўйинлардан фойдаланишнинг аҳамияти каттадир. Бу ишлар муваффақиятли амалга ошириш ҳар қандай соҳа фаолиятида ижобий ўзгаришларни содир этади. Энг муҳими ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда технологик ёндашув ўқув жараёнини янада фаоллаштиради, ўқув материалларнинг ўзлаштирилишида юқори даражага эришилади. Айниқса, ўқувчилар мустақил фикрлаш ва фикрини мустақил баён этишга ўрганадилар.

Табақалаштириш масаласи муваффақиятли ҳал этишда ўқувчиларнинг мустақиллиги муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллиги бўлган ўқувчи ҳар бир ишни бошқалар таъсирига бажаради ва мустақил хатти-ҳаракатлар кўрсата олади. Бундай ўқувчилар иродавий сифатларига эга бўлиб, баъзи қийинчиликларни осонгина бартараф эта оладилар. Уларда маълум маънода мустақиллик малакаси шаклланади. Қобилиятли ўқувчи етарли даражада билим, кўникмага эга бўлади. Ўқувчиларнинг қобилиятли эканлиги уларнинг нарсалар шаклини умумий идрок этиши, хотирасининг ўткирлиги, эркин фикр-мулоҳаза юритиши, ижодий ҳал таъсирида бўлишида намоён бўлади.

Ўқувчилар умумий ва махсус қобилиятга эга бўладилар. Баъзи ўқувчилар фаолиятининг барча турларида муваффақиятли шуғуллана

оладилар. Бунда ўқувчилар умумий қобилиятга эгадир. Баъзи ўқувчиларнинг фақатгина фаолиятнинг бирор тури бўйича чуқур шуғулланиши эса уларнинг махсус қобилиятга эга эканлигидан дарак беради.

Ўқувчининг умумий ривожланишдаги муваффақиятлари уларнинг қобилиятлиги эканлигининг белгисидир. Баъзан, кучли қобилият нишонлари ўқувчиларда кечроқ намоён бўлиши ҳам мумкин. Баъзан, шундай ҳолат мавжуд бўлдики, унчалик қобилияти бўлмаган ўқувчи кунт билан шуғулланиш эвазига кучайиб кетади ва натижада кучсиз қобилият ўрнини юксак қобилият эгаллайди.

Ўқувчиларнинг қобилияти бевосита машғулот жараёнида ривожланади. Ҳар бир гуруҳда турли истеъдодга бўлган ўқувчилар шуғулланадилар. Бу борада таълимнинг ташкил этилиши худди шу турлича ҳолатдан келиб чиқишга тўғри келади.

Ўқувчилар ўқув машғулотларни ўзлаштиришга-тайёрланиш, ўқиш ўрганиш, мустаҳкамлаш ва ижодий машқлар асосида мустақил ечиш кўникмасига эга бўлиш орқали эришадилар. Бунда ўқитувчи ҳар бир талабанинг янги мавзуни қандай идрок этишини билиши зарур бўлади. Бу талабаларнинг гуруҳларга тўғри ажратиш, ҳар бир гуруҳ ўқувчиларнинг ўқув имкониятларини ҳисобга олиш, мустақил ишлар учун табақалаштирилган топшириқларни тўғри саралашга ёрдам беради.

Мустақил бадиий фаолият таъсирида ўқувчиларнинг теварак-атроф, объектив борлиқни кенгроқ билиб, онгли идрок этиш даражаси ўсиб, фикрлаш доираси кенгайиб боради. Уларнинг билим, кўникма, малакалари

ҳосил бўлиб, илмий дунёқараши шаклланади. Айтиш мумкинки, ўқувчининг ўзи фаоллик билан ҳаракат қилиши вва мустақил фаолият кўрсатиши натижасида унинг лаёқати, истеъдоди, қобилияти ўсиб боради. Ана шу қобилият ва истеъдоднинг рўёбга чиқишида ўқувчининг муайян мустақил фаолиятга қизиқиб қараши, ўз устида тинимсиз ишлаши муҳим аҳамият касб этади. Табиийки, ўқувчиларнинг дарсда олган билим, кўникма, малакаларини ошириш йулида ўз устида мустақил ишлай олиши, айнан кўпроқ амалий ишлаши шарт бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, умуман педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ва ташкил этилгани ҳар қандай мустақил ижтимоий фойдали фаолият ўқувчи шахсининг ақлий, ахлоқий, эстетик ва иродавий ривожланишига ижобий таъсир этади. Бу борада ўқувчиларни табақалаштириб ўқитишда улар мустақил ишининг аҳамиятини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Ўқувчилар ўқув предмети вазифаларини онгли равишда узлуксиз, тўлиқ, тартибли бажариш йулида астойдил меҳнат қилиш ва билим олишга одатланади.

2. Ўқувчилар ўқув материалларини ўзлаштириш йулидаги мавжуд қийинчиликларни енгиб, чидам – ирода билан меҳнат қилган ҳолда ўз мақсадига эришишни ўрганади.

3. Ўқувчиларнинг ўқув фанига меҳр – муҳаббати, онгли интизоми, меҳнатга ва ўқишга қизиқиши тарбияланади.

4. Ўқувчиларнинг психик қобилиятлари – тафаккури, диққати, хотираси ривожланади, дарсда билим олиш, пухта ўзлаштириши таъминланади.

5. Ўқувчиларнинг юқори савияда эгаллаган билимларини тажрибада қўллашга ўрганадилар. Уларнинг фаоллиги, мустақил фикр юритиш, ташаббускорлиги ва ижодкорлиги шаклланади.

6. Ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали хислат-фазилатлари ривожланади ва уларнинг илмий, маданий, сиёсий, ахлоқий, маънавий, эстетик жиҳатдан етук бўлиб, уйғайишига катта ёрдам беради.

Ўқувчининг мустақил фикр юритиши унинг ўз-ўзини англаши, онги, тафаккури ирода ҳиссиётининг шакллануви асосида хатта-ҳаракатининг онгли равишда тартибга келиши ва уларнинг ижтимоий муносабатлар доирасига кириши билан аста-секин мустақил фаолият ва ижодий фаоллигини юзага келтирувчи кўникмалари ҳосил бўладика, бу ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини юзага келтиради. Табақалаштириш масаласида ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Улар:

- мустақил фаолиятда ўқувчиларнинг индивидуал фарқи;
- ўқувчиларнинг мустақил фикрлай олиши;
- ўқувчиларнинг турли фаолиятги муносабати, қизиқиши, лаёқатлилиги;
- ўқувчиларнинг бой дунёқараши ва интеллектуал хусусиятлари;

- ўқувчиларнинг мустақил билим олиш кўникмаларининг шаклланганлиги;

- ҳар қандай фаолиятга ўқувчиларнинг мустақил ёндаша билиши;

- ўқув машғулотларини мустақил эгаллай олиши мустақил ишни қизиқиб бажариши;

- ўқувчиларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ва ижодкорлигини ҳисобга олиш ва ҳоказо.

Табақалаштирилган таълимни амалга оширишда ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил фаолият билан шуғулланиш ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши ва бунинг учун аввало ўқувчиларни психологик жиҳатдан пухта билиши керак. Айниқса, уларнинг темпераментини ҳисобга олиш, бўш ўзлаштирувчи ҳамда ўқувчилар иқтидорли, қобилиятли ўқувчилар билан ишлашни яхши йўлга қўйиш муҳимдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқувчиларни табақалаштириб ўқитишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан уларнинг мустақил ишларини тўғри ташкил этиши ўқув, топшириқларини мустақил бажариш кўникмасига эга бўлиши, дарслик, тарқатма материаллар, компьютер билан мустақил ишлаши, ўқувчининг ижодий ишларни мустақил бажаришига боғлиқдир.

Бунда ҳар қандай мустақил фикрлар мустақил орттирилган билимлардагина туғилганидек, ҳар қандай чуқур билим фақат мустақил ишлаш йўли билангина орттирилади. Ҳар бир ўқувчининг камол топишида уларнинг эркин ва мустақил фикрлаши, ўз кучига ишониши, уларнинг тиришқоқлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илгари сурилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш борасида баркамол етук авлодни тарбиялашдек муҳим ишларни самарали амалга ошириш, бадиий таълим сифатини яхшилаш, тасвирий санъат бўйича ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этишни яхши йўлга қўйиш, уларга дастур материаллари асосида чуқур ва мустаҳкам билим бериш имконини яратади. Шунингдек, ўқувчиларнинг мустақил фикр юритиш қобилияти ривожланади ва уларда амалий ишларни бажара оладиган малакаси ҳосил бўлади. Энг муҳим мустақил ишлар ўқув материалларини пухта ўзлаштиришга ёрдам беради. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан таъкидланган: «Биз - ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айтилишда шахсий манфаатларини мамлакат ва ҳалқ манфаатлари билан уйғун ҳолда қурадиган, эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларимизни тарбиялашимиз керак».

Ушбу талаб ва зарурият сифатидаги масаланинг ечимини топишга кенг йўл очилади ҳамда масалаларнинг моҳиятини тушуниб етиш, воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини англаш, тушуниш, уларнинг ривожланишини олдиндан кўра олишга шароит туғилади. Тафаккурнинг чуқурлиги эса ўқувчилар билиш фаолиятининг сифатини ифода этади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, болади тафаккурнинг кенглиги уларнинг тажриба ва билимлари, барқарор билишга бўлган қизиқишларининг бўлишига боғлиқдир.

Тафаккурнинг мустақиллиги ўқувчининг янги масалаларини илгари сура олиши ва унинг ечимини ўзи онгли равишда ҳал этиши билан тавсифланади, мустақил тафаккурга эга бўлмаган баъзи ўқувчилар билим, кўникма, малакаларни юзаки ўзлаштирадилар. Улар масаланинг ҳақиқий ечимини топишга ҳаракат қилмайдилар. Фақат ўқитувчининг ёрдами билан ва тайёр намуналар асосидагина ҳеч қандай ижодий изланишсиз вазифани мустақил бажаришга киришадиларки, бунда ўқувчининг мустақил тафаккурини яъни фикр юритишни таъминлаш ва бу борада зарур метод усулларида фойдаланиш керак бўлади. Ҳар бир ўқувчи ўзи билаётган ва ўзлаштираётган нарсаларга жиддий эътибор бериши ҳамда ўзининг ва бошқаларнинг фикрини қатъий баҳолай олиши билан билиш фаолиятида тафаккурининг мустақиллигига эришадилар. Ҳар қандай масала ечимини мутақил ва эркин ҳал эта оладиган ўқувчилар доимо фикр юритишга хос бўлган масалаларни ечишнинг янги усуллари ва йўналишларини топишга ҳаракат қилади. Тафаккур мустақиллиги бўлмаган ўқувчиларнинг фикри суст бўлади. Улар узоқ вақт битта фикрда туриб қоладилар. Бирор масала ечимини исбот қилишнинг янги усуллари асосида топишга ўта олмайди. аксинча, ҳар қандай мураккаб муҳитда ҳам масаланинг ечимини ҳар жиҳатдан қараб чиқиши, тезда тушуниб, фикр юритиши ва дарҳол тўғри, хулосага келадиган серфаҳм, зеҳни ўткир ўқувчилар ақлий фаолияти, қобилияти, фикр юритиш кўникмаларининг ҳар тамонлама ривожланганлигинатижаси эса улар тафаккурининг мустақиллигини юзага келтиради. Ўқувчининг тафаккур мустақиллигига эга бўлиши унинг ҳар

ақлий ишдан завқланишини таъминлайди. Чунончи, улар ҳар қандай билимни онгли равишда ўзлаштирадилар ва уларни фикр юритиш фаолияти жараёнининг такомиллашуви асосида амалиётга ижобий маънода тадбиқ эта оладилар.

***Наққошлик фанини ўқитишда ахборот технологиялардан
фойдаланишининг йўллари:***

Ҳозирги даврда замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланиш кескин кучайганлиги учун ҳам ўқитувчига ва ҳам ўқувчига жуда катта ва турли-туман ахборот технологиялари билан ишлашга тўғри келганлигидан уларнинг асосийларини юқори билим ва ақл идрок билан ажратиб олиш зарур. Шунинг учун ўқитувчилар меҳнати ва билимини ташкил қилиш учун қуйидагилар зарур:

1. Бўлажак педагогнинг биргина ахборот технологиялари муҳитида ишлашга тайргарлигини ташкил этиш. Бу муаммони ахборот технологияларини билиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш маъносида караш мумкин.

2. Педагогнинг фикрини жамлаш, вақтини тежаш ҳамда ўқитиш методикасини ташкил этишга имкон берувчи ягона ахборот тизимига яқинлаштириш.

3. Ахборот технологияларидан фойдаланиб таълим беришга тайёрланиш ва ўтиш. Бундай ўтиш ўқув курсларини ахборотли - компьютерли ҳолга ўтказишни кўзда тутати.

4. Бирлашган ахборот ҳажмидаги ўқув жараёнининг дастурий - методик таъминланишини тайёрлаш.

Шунлай қилиб, университетнинг бўлажак педагоглари аниқ фанларни ўқитишда компьютердан фойдаланиш малакаларини ошириши ва билиши зарур.

Кадрлар тайёрлаш мишй дастурида «Ўқув - тарбиявий жараёнини илгор педагогик технологиялар билан таъминлаш» унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган асосий вазифалардан бири сифатида белгиланади. Бунга сабаб:

1. Аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг бирдан-бир йўли энг илгор педагог тадбирлардан фойдаланиш.


2. Фан ва техника тараққиётнинг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлигини ва уларни ёшлар онгига тўла-тўқис сингдириш ва ёшларни ҳаёт талабларига жавоб берадиган ҳолда тайёрлаш учун вақтнинг камлиги ва бошқалар.

Бу мақсадга эришиш учуи тараккий этган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияларни ҳамда халқимизнинг бой миллий - таълим манбаларидан фойдаланиб Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш зарур.

Интернет ҳозирги кунда ахборот технологиялари тизимининг ажралмас қисми бўлиб, ундаги асосий буғин бу ўзаро бир - бири билан боғланган компьютерлардир. Компьютерлар алоқа воситаларидан фарқли ўлароқ фойдаланувчига маълумотни куриш, ўқиш ва эшитиш асосида маълумотдан унумли фойдаланишга имкон яратади. Бундан ташқари унда маълумотни узатиш, қабул қилиш тезлиги ўта юқоридир

Замонавий таълим АТ зиммасига қандай функцияларни юклаган? Ўқув жараёнида АТнинг қайси туридан фойдаланмайлик, улар доимо қуйидаги функцияларни бажаради:

- ўқув материаллари ҳажмини кенгайтиради;
- ўқув материални етказиш имкониятларини оширади;
- ўқув жараёнига ўқувчиларни актив жалб этади;
- ўқиш мотивини кучайтиради;
- ўқувчининг ўқув фаолияти назорат қилади;
- ўқиш жараёнини энгиллаштиради;
- ўқувчи шахсини шакллантиради, мустақил фаолият олиб боришни таъминлайди;
- конструктив алгоритмик фикрлашни кучайтиради;
- ахборот билан қандай муомалада бўлиш маданиятини вужудга келтиради.



Дарҳақиқат, ҳозирги кунда халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби таълим тизимида ҳам замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Таълимни компьютерлаштириш маориф тизимини, қолаверса жамиятни ахборотлаштиришнинг негизини ташкил этади.

Хусусан, наққошлик санъатида нақш композицияларини тузиш ва ранглашда COREL DRAW график дастури қулайликлар яратади. Бу дастур график дизайн саҳифаларини ишлаб чиқиш, фотосуратларни таҳлил қилиш ва вектор анимацияси борасида кўплаб имкониятлар яратади. Шунингдек, дастур сизга ўз композициянгизни яратишда ва уни бажаришда керак бўлган ҳаракатларни бир неча бор қисқартиради. Масалан, янги элементлар: эллипс, тўғри бурчак ва эгри чизиқлар орқали «сичқонча» тугмасининг икки марта босилиши натижасида сизга керакли ўлчам ва бурилиш бурчагига эришасиз.

Нақш композицияларини тузиш ва ранглашда Corel Draw профессионал график дастури жуда катта имкониятларга эга бўлиб, ушбу дастур орқали қисқа вақт ичида нақш композициясини турли тусда ранглаб, ўзингизга ёққан колоритни танлаб олишингиз мумкин.

Ушбу юқорида кўрсатилган фикр – мулоҳазалар ўқитувчидан касбий маҳоратларини юқори даражада бўлишлигини талаб этади ва замонавий педагогик технологияларини амалий санъат дарсларида қўлланилиши катта изланишларни талаб қилмоқда.

Ўқувчилар ўз бадиий фаолияти давомида билим ва кўникмаларни эгаллаб борадилар. Улар тинимсиз машқлар натижасида ҳаракатнинг автоматлашган малакаларга эга бўладилар.

Тасвирий ва амалий санъатни ўқитишда замонавий технологияларни фойдаланиш жуда қўл келади. Бу борада факультетнинг профессор-ўқитувчилари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилган. Айниқса,

устозимиз педагогика фанлари номзоди, доцент Комилжон Ғуломовнинг бу соҳадаги бажарган ишлари эътиборга молик. У илк бор Corel Draw график дастури ёрдамида нақш композицияларини ҳосил қилиш ва уни ранглаш усулларини кўрсатиб берди.

Шунингдек, устознинг нақш композицияларини ҳосил қилиш, ранглаш ва пардозлаш босқичларини ҳаракатдаги (анимацион) шакли алоҳида аҳамият касб этади. У ўқувчиларнинг наққошлик санъатини ўрганишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Corel Draw профессионал дастури график ишлар учун қулайликлар яратади. Бу дастур график дизайн саҳифаларини ишлаб чиқиш, фотосуратларни таҳлил қилиш ва вектор анимацияси борасида кўплаб имкониятлар яратади. Дастур сизга ўз композициянгизни яратишда ва уни бажаришда керак бўлган ҳаракатларни бир неча бор қисқартиради. Масалан, янги элементлар: эллипс, тўғри бурчак ва эгри чизиқлар орқали «сичқонча» тугмасининг икки мартта босилиши натижасида сизга керакли ўлчам ва бурилиш бурчагига эришасиз. Шунингдек сиз қисқа вақт ичида **Web анимацияни** (саҳифани ҳаракатга келтириш) яратишингиз мумкин.

Нақш композицияларини тузиш ва ранглашда **Corel Draw** профессионал график дастури жуда катта қулайликлар яратади. Ушбу дастур орқали қисқа вақт ичида нақш композициясини турли тусда ранглаб, ўзингизга ёққан колоритни танлаб олишингиз мумкин.

III БОБ. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ АМАЛИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ.

3.1. Касб-хунар коллежларининг амалий санъат дарсларида замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш.

Биз тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида ўзбек халқ амалий санъатига бўлган қизиқишларини аниқлаш мақсадида КХКлари 1-босқич ўқувчилари билан анкета саволларини ўтказиш жараёнида қуйидагиларни аниқладик. (1-жадвал)

1-жадвал

КХКлари биринчи босқич ўқувчиларининг ўзбек миллий халқ амалий санъатига қизиқишларини аниқлаш бўйича ўтказилган суҳбат натижалари (жами 148 нафар ўқувчи)

№	Суҳбат турлари	Ўқувчилар сони	%
1.	Тасвирий санъат дарслари жараёнида	44	29,5
2.	Ота-онаси ёки ўзидан катта ёшдагиларига тақлид қилиб	36	24,0
3.	Дарсдан ташқари вақтларда олиб бориладиган машғулотларда (тўғаракларда)	30	20,6
4.	Бўш вақтларда	23	15,9
5.	Ота-онасининг тавсиясига асосан	15	10

Олиб борилган тадқиқот сўров-анкеталар шуни кўрсатадики, касб-хунар коллежларига қабул қилинган ўқувчиларнинг аксарияти ўзбек халқ амалий санъатига ўрта мактабнинг тасвирий санъат дарсларида, бевосита ўқитувчининг маҳорат билан дарс бериши, ўз дарсига ёшларни қизиқтира олиши натижасида (29,5%), ота-онаси ёки ўзидан катталарга тақлид қилиб (24,0 %), дарсдан бўш вақтларда олиб бориладиган тўғарак машғулотларда (20,6 %), бўш вақтларда (15,9 %), ота-онасининг тавсиясига асосан (10 %) дан иборат бўлди.

КХКларининг биринчи босқич ўқувчиларининг халқ амалий санъат машғулотларини компьютер технологиялари асосида ўқитишга бўлган муносабатларини аниқлаш бўйича ўтказилган саволнома натижалари (жами 148 нафар ўқувчи)

№	Анкета саволлари	Ўқувчилар сони	%
1.	Сиз компьютердан фойдаланишни биласизми? Агарда билсангиз, қайси дастурлар орқали нақш намуналарини чизиш, ранглаш ва пардоз бериш мумкин?	23	15,5
2.	Сизнинг шахсий компьютерингиз борми?	45	30,2
3.	Сиз ўқиган мактабда компьютер синфи мавжуд эдими?	30	20,8
4.	Амалий санъат машғулотларини компьютер технологиялари воситасида ўтказилишини истайсизми?	50	33,5

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўқувчиларнинг 33,5 фоизи амалий санъат машғулотларини компьютер технологиялари воситасида ўтказилишини истайдилар. (Сиз компьютердан фойдаланишни биласизми? Агарда билсангиз қайси дастурлар орқали нақш намуналарини чизиш ва ранглаш ва пардоз бериш мумкин? Сизнинг шахсий компьютерингиз мавжудми? Сиз ўқиган мактабда компьютер синфи мавжуд эдими?) Анкета саволларидан кўриниб турибдики, бу ерда ҳали ҳал этилиши керак бўлган кўплаб муаммолар мавжуд.

Демак, ёшларга амалий санъатдан ўқув-тарбиявий ишларини ташкил этиш ва самарадорлигини оширишда компьютер технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, ўқувчиларга замон талаблари асосида билимлар бериш ва уларини амалда тадбиқ этишларига ёрдам беради.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичида биз касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг янги ахборот технологиялари борасидаги билимларини синаш мақсадида анкета саволлари билан мурожаат этдик. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, бу ерда ҳам ҳали ҳал этилмаган вазифалар ўз

ечимини кутмоқда. Демак, ўқитувчининг ўз ўқувчисини маълум фанга кизиқтириши ўз навбатида кўплаб факторларга боғлиқ.

Касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари нафақат фан асосларини, балки улар энг замонавий илғор педагогик технологияларни ҳам эгаллаган бўлишлари, ўзларининг педагогик маҳоратларини тўхтовсиз ошириб боришлари талаб этилади. Ана шу мақсадда ўқитувчиларнинг амалий санъатдан назарий ва амалий машғулотларни ўтишда замонавий педагогик технологияларнинг таълим тараққиётида ҳаракатланувчи куч эканлиги; замонавий педагогик технологияларнинг тарихий тараққиёт босқичлари; хорижий мамлакатлар таълим тизимида қўлланиб келинаётган интерфаол методлар; замонавий педагогик технологияларнинг амалий санъат машғулотларида қўлланиш имкониятлари; амалий санъат машғулотларида компьютер технологияларининг қонуниятларидан самарали фойдаланиш, уни амалиётда қўллаш йўллари; ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмалари ҳамда ижодий иш натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш йўналишлари бўйича билимларини аниқладик.

Олинган маълумотларимдан шу нарса маълум бўлдики, коллежларда дарс берувчи ўқитувчиларнинг ўз фанига бўлган муносабатлари, уларнинг компьютер технологияларидан фойдаланишлари, ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёни илмий-методик асосда йўлга қўйилмаган. Шунинг эвазига кўплаб салбий ҳолатларнинг шаклланиши, ўқувчида ўзи танлаган касбига нисбатан совуққонлик билан қараш кабилар аниқланди. Амалий санъат бўйича мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим босқичларидаги таълим стандартлари ва ўқув меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва таълим жараёнининг узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлаш борасида ҳал бўлмаган ҳолатлар бор.

Тажриба-синов ишларини амалга оширишда мутахассис ўқитувчининг квалификацияси, маълумоти, ёши, иш стажи, туман ва шаҳар ўқитувчилари орасидаги рейтинг; касб-хунар коллежида амалий санъат устахонасининг моддий-техникавий базаси; наққошлик тўғарагининг фаолияти; дарсдан ташқари амалий санъатдан ўтказиладиган ишларнинг кўлами; амалий санъат ўқитувчисининг касбий ва маънавий-ахлоқий сифатларига алоҳида аҳамият берилди.

Тажриба-синов ишлари режасига кўра наққошлик санъати дарсларида ўқувчиларни фанга бадий муносабатларини шакллантиришга қаратилган куйидаги мавзуларда дарс ишланмалари тайёрланди:

1. Композиция тузиш усуллари, назарияси ва босқичлари. Оддий нақш элементларидан фойдаланиб, турли шаклдаги нақш композицияларини чизиш, ранглаш ва пардозлаш. (йўл, квадрат, айлана ва ҳоказо)

2. Гирих ва гулли гирих нақш композицияларини чизиш, ранглаш ва пардозлаш. Компьютернинг Corel Draw график дастури ёрдамида гирих нақш композициялари ҳосил қилиш ва ранглаш.

3. Ашёларга бадий ишлов бериш. Уй-рўзғор буюмларини безаш. Содда ҳажмли ёғоч буюмларни нақшлаш. (сабзитахта, қаламдон, туздон, наво, рамка ва бошқалар)

Ана шу мавзуларда ишлаб чиқилган машғулот ишланмалари ва дидактик материаллар тажриба-синов гуруҳларининг ўқитувчиларига тарқатилди. Назорат синфларда ўзларининг анъанавий методикалари асосида дарсларни ташкил этишлари режалаштирилди.

Бундай ишлар нафақат дарс жараёнида балки синфдан ташқари ишлар ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш орқали мунтазам равишда амалга ошириб борилди.

Тажриба-синов ишлари юзасидан тўпланган материаллар олиб борган тадқиқотимизнинг самарадорлигини аниқлаш учун ўқувчилар орасида ўтказилган савол-жавоб, тест ҳамда бадий ижодий ишларнинг натижалари сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилинди. Амалий санъат дарсларида

ўқувчиларнинг бадиий қобилиятларини ва халқ санъатига нисбатан эстетик муносабатни шаклланганлик даражасини аниқлаш юзасидан олиб борилган ишлар таҳлил этилди, солиштириш ва умумлаштириш асосида уларнинг самарадорлиги аниқланди.

Тажриба-синов натижаларини таҳлил қилиш ҳамда ўқувчиларнинг назарий билимларини ўрганиш мақсадида назорат ва тажриба-синов гуруҳларига «Бадиий наққошлик» фани бўйича тузилган умумий жамланмаси 100 дан иборат тест саволлари берилди. Тест ўтказилганидан сўнг, жавоблар таҳлил қилинди ва беш баллик баҳолаш тизимида баҳоланди.

50 та саволнинг 43 тадан - 50 тасига тўғри жавоб берган ўқувчиларга «5» баҳо, 36 дан 43 саволларга тўғри жавоб берган ўқувчиларга «4» баҳо, 28 тадан 36 саволларга тўғри жавоб берган ўқувчиларга «3» баҳо, 28 тадан кам саволларга жавоб берган ўқувчиларга 2 баҳолар қўйилди.

Юқоридаги натижалар шуни кўрсатдики, ўзбек миллий халқ амалий санъатининг барча турлари асосан ўқувчиларда амалий малакалар эгаллаши учун мўлжалланган. Лекин тадқиқодлар шуни кўрсатадики, ҳозирги даврнинг талабидан келиб чиққан ҳолда ўқувчи нафақат турли мураккабликдаги нақш композицияларини туза олсин балки, у ўзининг ушбу соҳадаги назарий билимларига ҳам эга бўлмоғи керак.

3.2. Тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларнинг таҳлили.

Касб-хунар коллежларида амалий санъат дарсларида замонавий технологиялардан фойдаланиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

1. Амалий санъат тарихини мукаммал ўргатиш;
2. Тарихий обидаларни ва замонавий меъморий иншоотларни кузатиш ва таҳлил этиш;
3. Наққошлик санъатида ўсимликлар дунёсини ўрганиш ва стилизация (соддалаштириш) орқали улардан турли нақш композицияларини тузишга ўргатиш;
4. Наққошлик санъатини ўқитишда устоз ва шогирд анъаналаридан фойдаланиш;
5. Замонавий ахборот ва педагогик технологияларни наққошлик санъати машғулотларида қўллашга ўргатиш.

Олиб борилган тажриба-синов ишларида ушбу йўналишлар бизнинг эътиборимиз марказида бўлди. Энг муҳими тарихий обидаларни ва замонавий меъморий иншоотларни кузатиш ва таҳлил этиш ҳамда машғулотлар жараёнида замонавий технологияларни самарали қўллаш орқали ўз олдимизга қўйилган вазифани муваффақиятли ҳал қилишга эришдик.

Бундан ташқари наққошлик дарсларини янада самарали ўтиши учун янги педагогик технологиялардан фойдаланиш; таълимнинг замонавий техникавий воситаларни қўллаш; дарсларда халқ оғзаки ижоди намуналари, уста-шогирд анъаналари ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиш; ўқувчиларни кўргазмали қурооллардан фойдаланиш, ўз касбга бўлган қизиқиш ва ижодий изланиш кўникмаларига эга бўлиш; ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, касб-хунар коллежининг моддий базасини ҳисобга олиш, наққошликда ишлатиладиган атамаларнинг луғавий маъносини атрофлича ўрганиш ва ижодий жараёнини билиши, малака ҳосил қилиши ва амалда қўллай олиш кабилар амалга оширилди.

Бундан ташқари тажриба-синов ишлари жараёнида касб-хунар коллежларининг 1-3 гуруҳлари учун «Наққошлик» фани бўйича қуйидаги мавзуларда машғулотлар ўтказилди.

1.Композиция тузиш усуллари, назарияси ва босқичлари. Оддий нақш элементларидан фойдаланиб, турли шаклдаги нақш композицияларини чизиш, ранглаш ва пардозлаш (йўл, квадрат, айлана ва ҳоказо) (I курс).

2.Гириҳ ва гулли гириҳ нақш композицияларини чизиш, ранглаш ва пардозлаш. Компьютер график дастурлари (Corel Draw) ёрдамида гириҳ нақш композициялари ҳосил қилиш ва ранглаш (II курс).

3.Ашёларга бадий ишлов бериш. Уй-рўзғор буюмларини бадий безаш. Содда ҳажмли ёғоч буюмларни нақшлаш. (сабзитахта, қаламдон, туздон, наво, рамка ва бошқалар) Мураккаб шаклдаги ёғоч буюмларни нақшлаш. Кўп қиррали курси ёки хонтахта юзасига нақш композицияси тузиш. (шкаф, курси, хонтахта, тошойна, ширма ва б.) (III курс).

Тажриба-синов машғулотларида ўқувчиларнинг нақш турлари ҳақидаги маълумотлари (ислими, гириҳ, гулли гириҳ ва ҳ.к) ва уларнинг ўзига хослиги, турли шаклларда нақш композицияларини тузиш малакалари, нақш композициялари ҳақидаги тушунчаларни билиш, гириҳ ва ўсимликсимон нақш композицияларни тузиш қоидаларини текшириш ҳамда нақш элементлари йиғиндисидан турли нақш композициялари тузиш ва уларни сифатли ранглаш ва пардозлаш каби амалий малакалари ривожланди. Биз иккинчи курс ўқувчилари билан Corel Draw график дастури ёрдамида нақш композицияларини тузиш ва ранглаш бўйича ҳам машғулотлар ўтказдик. Гириҳ нақшини компьютернинг Corel Draw график дастури ёрдамида чизиш учун биз Corel Draw дизайн саҳифаларини ишлаб чиқдик. Нақш намуналарини таҳлил қилиш ва вектор анимацияси борасидаги имкониятларини ўргандик. Албатта бунда биринчидан ҳар бир ўқувчининг касб-хунар коллежи даргоҳига ўқиш учун келгунга қадар ва биринчи босқичида наққошлик санъати бўйича эгаллаган амалий малакалари, назарий билимлари ҳисобга олинди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, нақш композицияларини тузиш ва ранглашда Corel Draw график дастури жуда катта имкониятларга эга эканлиги таъкидланган эди.

Тажриба-синов ишлари юзасидан тўпланган якуний материаллар олиб борган тадқиқотимизнинг самарадорлигини аниқлаш учун ўқувчилар орасида ўтказилган савол-жавоб, тест ҳамда бадиий ижодий ишларнинг натижалари сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилинди. Касб-хунар коллежларининг амалий санъат дарсларида ўқувчиларга наққошлик санъатини ўргатишда Corel Draw график дастури жуда катта имкониятларга эга эканлигини аниқланди. Ўтказилган тажрибаларни таҳлил этиш, солиштириш ва умумлаштириш асосида уларнинг самарадорлиги аниқланди.

Ўрта умумтаълим мактабидан касб-хунар коллежга қабул қилинган ўқувчининг амалий санъат сирларининг пухта эгаллаши кўплаб омилларга боғлиқ. Улардан энг асосийси, таълимда кўргазмалилик принциpidир. Барча соҳаларда бўлгани каби ҳозирги кунда ахборот технологиялари таълимга жадаллик билан кириб бормоқда. Бир қарашда, ёшларни амалий санъат сирларига ўргатиш, компьютер технологиялари асосида бўлиши ғайритабиий бўлсада, наққошлик, либос, архитектура, техник дизайнерлигига унинг бевосита алоқаси бор. Чунки умумтаълим мактабининг тасвирий санъат дарсларида ва дарсдан ташқари тўғарак машғулотларида амалий санъатдан бошланғич маълумотни олган ўқувчи ўзининг амалий малакаларини янги ахборот технологиялари асосида давом эттириши муҳимдир. Тажриба синов вақтида касб-хунар коллежларининг биринчи курсига қабул қилинган ўқувчиларга анкета саволлари билан мурожаат этиб қуйидаги натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Касб-хунар коллежларининг наққошлик машғулотларида ўқувчиларининг
компьютер технологияларидан фойдалана олиш даражалари
(А.Хўжаев номидаги Республика дизайн коллежи мисолида)

№	Касб-хунар коллежининг номи	Компьютер технологияларидан фойдалана олиш даражалари	Тажриба-синов гуруҳлари		Назорат гуруҳлари	
			гуруҳдаги ўқувчилар сони 25 тадан	%	гуруҳдаги ўқувчилар сони 25 тадан	%
1.	А.Хўжаев номидаги Республика дизайн коллежи	Юқори	18	72	5	20
		Ўрта	4	16	6	24
		Қуйи	3	12	14	56

Ўтказилган тажриба синов ишлари шуни кўрсатадики, тадқиқодимизнинг дастлабки босқичида ўқувчиларнинг 92 фоизидан кўпроғи амалий санъат машғулотларини компьютер технологиялари воситасида ўтказилишини исташлари маълум бўлиб, Сиз компьютердан фойдаланишни биласизми? Агарда билсангиз қайси дастурлар орқали нақш намуналарини чизиш ва ранглаш ва пардоз бериш мумкин? каби анкета саволларидан уларнинг аксарияти компьютер технологияларининг мўъжизакор имкониятларини тасаввур ҳам қила олмасликлари маълум эди. Касб-хунар коллежларида ёшларга амалий санъатдан ўқув-тарбиявий ишларини ташкил этиш ва самарадорлигини оширишда компьютер технологияларини қўллашни мақсадли ташкил этиш ҳамда ўқувчиларга замон талаблари асосида билимлар бериш уларнинг мазкур фандан ўзлаштириш кўрсаткичларини бир неча бор юқорига олиб чиқишга ёрдам беради. Дарҳақиқат, А.Хўжаев номидаги Республика дизайн коллежида бу кўрсаткичлар 72%ни ташкил этди.

Шунингдек, тажриба ўтказилган гуруҳларида компьютердан фойдаланиб нақш композицияларини тузувчи ўқувчилар сони аста секин ўсиб борган. Хусусан, юқоридаги касб-хунар коллежларида у қуйидагича кўринишни ташкил этди (А.Хўжаев номидаги республика дизайн коллежида

2,3 баробар). Ушбу кўрсаткич эса назорат гуруҳларида бу кўрсаткич деярли ўзгаришсиз қолган.

Ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири, ўқув режасидаги мутахассислик фанлар блокига кирувчи ҳар бир фанни доимий равишда янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш орқали амалий санъатдан кўзда тутди. Ушбу долзарб масалани ижобий ҳал этиш эса, таълим-тарбиянинг сифат ва самарадорлигини оширишнинг муҳим гаровидир. Биз олиб борган илмий тадқиқот ишларимизнинг асосини айнан ҳозирги кундаги энг долзарб масалаларига қаратилди.

Демак, ўқувчиларнинг амалий санъатдан бадиий билимларини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижалари самарадор эканлиги маълум бўлди.

ХУЛОСА

Касб-хунар коллежларида халқ амалий санъатининг ўқитилиши ўқувчиларнинг маънавий, бадий-эстетик маданиятини уйғун ривожланишига хизмат қилади ва шахсда муҳим ижобий сифатларни мужассам этади. Бу эса ўқувчиларнинг миллий маданий меросни ўрганишлари ҳамда умуминсоний кадриятлар билан яқиндан танишишлари учун кўмаклашади. Касб-хунар коллежларида халқ амалий санъатининг ўқитилишини янгича ташкил этиш, уни ўқувчилар маънавияти ва эстетик дидини шакллантириш воситасига айлантириш устивор аҳамиятга эгадир.

Машғулотлар жараёнида ўқувчиларда амалий санъат мактаблари, уларда ижод этган уста-устазодаларнинг ҳаёт йўллари, ижод намуналари билан яқиндан танишдилар, машхур устозлар анъаналарини давом эттириш, амалий санъатни янада ривожлантириш, уни асраб авайлаш ва келажак авлодга етказиш ҳисси ёшларда шаклланди.

Касб-хунар коллежларида олиб бориладиган амалий санъат машғулотлари ёшларни теvarак атрофга, миллий санъатимиз ва кадриятлармизга нисбатан ижобий муносабатда бўлишга, асосийси уларни Ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ва эстетик муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамиятга касб этади.

Нақш композицияларини тузиш ва ранглашда **Corel Draw, AutoCAD** график дастурлари жуда катта имкониятларга эга бўлиб, ушбу дастур орқали қисқа вақт ичида нақш композициясини турли тусда ранглаш, ушбу дастурлар орқали график ишларни бажариш шунингдек, нақш композицияларини тезликда тузиш учун қулайликлар яратади. Бу дастурлар эса ўз навбатида график дизайн саҳифаларини ишлаб чиқиш, бино интерьери ва экстерьерларига композициялар тузиш, ранглаш, мос келмаган рангларни тезликда олиб ташлаб, бошқасини қўйиш борасида кўплаб имкониятлар эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Тошкент: Шарқ матбаа Концерни, 1997. -65 б.
2. Каримов И. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари: Т.: Ўзбекистон,1997.-137 б.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Тошкент: Шарқ, 1999.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий иқироzi, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.:Ўзбекистон, 2009.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.:Маънавият, 2008.
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Тошкент: Шарқ, 1997.
7. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997.
8. «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1997 йил 31 март П.Ф.-1714.–Т.:Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, -1997. -№2.
9. Azizxo`jaeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat.-Т.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2006.
10. G`ulomov K. Ashyolarga badiiy ishlov berish. –Т.: Bilim, 2004.
11. Yo`ldoshev H., Bulatov S. Ustoz va shogird odobi. -Т.: Ozbekiston, 2005.
12. Абдуллаев Н.А. Санъат тарихи. I том. –Т.: Ўқитувчи,1987.
13. Азимов И.М. Ўзбекистон нақшу нигорлари. [Росписи Узбекистана]. –Т.: Ғафур Ғулом, 1987.
14. Боситхонов З. Хандасий нақш (гирих)ларнинг ечимлари.-Т.:Очиқ жамияти Институти Кўмак Жамғармасининг Ўзбек Ваколатномаси, 2002.
15. Булатов С. Ганчкорлик, наққошлик ва ёғоч ўймакорлигига оид атамалар изоҳли луғати. -Т.: Мехнат, 1991.
16. Булатов С., Ашурова М. Амалий санъат қисқача луғат. -Т.: Қомуслар бош тахририяти, 1992.

17. Булатов С., Мухторов А. Ганчкорлик санъати: –Т.: Муסיқа, 2006.
18. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. -Т.: Меҳнат, 1991.
19. Ғуломов К.М. Амалий санъат. –Т.: Иқтисод-молия, 2008.
20. Ғуломов К.М. Касб-хунар коллежларида наққошлик санъатини ўргатишда таълимнинг замонавий технологиялари // Педагогик таълим. –Т.: 2007. -№ 5.
21. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. -Тошкент.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
22. Каримов Х.. Усто Кодир. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981.
23. Қосимов Қ.. Наққошлик. – Тошкент, Ўқитувчи, 1982.
24. Қосимов Қ.. Наққошлик. – Тошкент, Ўқитувчи, 1990.
25. Курушин В.Д. Дизайн и реклама. – М.: ДМК Пресс, 2006.
26. Луций С.А. Изучаем Photoshop. – СПб.: Питер, 2004. – 441 с.
27. Мирзаахмедов М. Бошланғич бадий нақш ишлаш методикаси.-Т.: «Ўқитувчи», 1976.
28. Миронов Д.Ф. Corel DRAW 12. – СПб.: Питер, 2004. – 442 с.
29. Морозова А.С., Аведова Н.А., Маҳкамова С.М. Ўзбекистон халқ санъати.- Тошкент.: Гофур Ғулом, 1979.
30. Набиев М. Рангшунослик.-Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
31. Петров М.Н., Молчанов В.П. Компьютерная графика. – СПб.: Питер, 2003.-736 с.
32. Ремпель Л.И. Уста Ширин и его школа. Тошкент.: 1980.
33. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. (Назария ва амалиёт). –Т.: Иқтисод-молия, 2003.
34. Соколова А.А. Уста Екубжон Рауфов. -Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
35. Усмонов О. Камолиддин Бехзод ва унинг наққошлик мактаби.-Т.: Фан, 1977.
36. Ҳаққулов А. Таъмир санъати. - Т.: «Меҳнат», 1991.
37. Ҳасанов Р. Амалий безак санъати машғулотлари методикаси. -Т.: ЎзПФИТИ, 2003.
38. Эгамов Ҳ. Бўёқлар билан ишлаш. – Тошкент, Ўқитувчи, 1981.
39. Юлдашев У.Ю. Информатика. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2011. –104 б.

АМАЛИЙ САНЪАТГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИ

amaliy sanat – fine art	tasvir – draw
naqqoshlik – carving	kulolchilik – ceramic
memorchilik – corving	madanyat – culture
geometric –geometric	element – element
shakil – forum	motiv – motive
kompazitsiya – compazition	o'simliksimon – founo
zamonaviy – modern	shakl – form
texnologiya – texnology	rasm –picture
kampyuter grafikasi – computer graphics	manzara – scene
xalq ustasi – population master	majmua – comple
chizgich – ruler	madrasa – madrasa
sirkul – circuler	maqbara – mausoleum
xunarmand – handi raftsman	masjid – masque
arxitektura – architektoe	peshtoq – porch
yodgorlik – memorial, kupsam	
arxeologik qazilma – archeological mineral	

ИЛОВАЛАР





